*Ислом КАРИМОВ*

# МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШ — БАРЧА ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШ ВА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРИМИЗНИНГ ПИРОВАРД МАҚСАДИДИР

ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
2007

www.ziyouz.com kurubxonasi

67.400(5У)
К 25

ISBN 978-9943-01-090-1

© «ЎЗБЕКИСТОН» НМИУ, 2007 й.

www.ziyouz.com kurubxonasi

## СЎЗ БОШИ

Бу йил биз халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган истиқлолнинг 16 йиллик қутлуғ байрамини кенг нишонлаймиз. Ўтган давр тарих учун ғоят қисқа фурсат бўлса-да, шу вақт мобайнида биз ўз олдимизга қўйган юксак марраларга эришиш, эзгу мақсадларимизни амалга ошириш борасида халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳар йили ўн, балки юз йилларга тенг бўлган улкан тарихий йўлни босиб ўтдик.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, биз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан ютуқ ва натижаларни қўлга киритган бўлмасак, ҳеч шубҳасиз, уларнинг барчасига аввало Яратганимизнинг ўзи бизга берган куч-қувват, ақл-заковат ва салоҳиятга таянган ҳолда, халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан ўзимизга мос ва ўзимизга хос ривожланиш йўлини қатъий танлаб олганимиз ҳисобидан эришмоқдамиз. Шўро даврида амалда ўзини мутлақо оқламаган, Ўзбекистонни фақат арзон хомашё маконига айлантиришга қаратилган бирёқлама ва ночор иқтисодиётдан, миллатимизнинг руҳи ва табиатига бегона бўлган, унинг шаъни ва ғурурини таҳқирлаб келган мафкурадан бутунлай воз кечиб, замонавий тараққиёт сари дадил қадам қўйганимиз бу ютуқларнинг асосий мезони ва омили бўлмоқда.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Шу ўтган давр мобайнида диёримизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодиёт соҳасини эркинлаштириш, она заминимиз бойликларидан эл-юртимиз ва келгуси авлодлар манфаати йўлида оқилона фойдаланиш, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш бўйича қўлга киритган салмоқли натижаларимиз нафақат бугунги кун, балки ёруғ ва фаровон келажагимиз учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, буларнинг барчаси ҳар томонлама фахрланиш ва ғурурланишга етарлича асос беради. Эртанги истиқболимизга бўлган ишончимизни мустаҳкамлайдиган бундай улкан марраларга эришишда миллионлаб юртдошларимиз ўзининг ҳалол ва самарали меҳнати, фидоийлиги билан муносиб ҳисса қўшаётгани барчамизни қувонтиради. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, қишнинг қаҳратони, ёзнинг жазирамасига қарамасдан, йил ўн икки ой ерга қалб қўри, меҳрини бериб мўл ҳосил етиштираётган заҳматкаш деҳқон ва фермерларимиз, замонавий саноат корхоналарида тер тўкиб ишлаётган ишчиларимиз, кичик бизнес ва хусусий сектор соҳасида фаолият юритаётган ишбилармон ва тадбиркорлар, аҳолининг онгу тафаккури ва маънавиятини юксалтириш, жамиятимизда эркин ва мустақил фикрлаш муҳитини шакллантиришда жонбозлик кўрсатаётган олиму зиёлилар, муаллим ва ўқитувчилар, соғлиқни сақлаш ходимлари, маданият ва санъат аҳли, жаҳон майдонларида турли жабҳаларда катта ғалабаларни қўлга киритиб, Ўзбекистон шуҳратини дунёга тараннум этаётган минглаб ўғил-қизларимизнинг хизматла-



www.ziyouz.com kurubxonasi

ри беқиёс эканини мамнуният билан эътироф этамиз.

Табиийки, бундай қувончли натижаларга эришиш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Биз бу ёруғ кунларга етиб келгунча бошимиздан қандай оғир синов ва машаққатларни ўтказмадик, қандай ғовтўсиқларни енгиб ўтмадик. Лекин ҳар қандай қийин ва мураккаб вазиятда ҳам ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик.

Бугунги ҳаётимиз, айниқса, кейинги йилларда эришган ютуқларимиз  истиқлолнинг дастлабки кунларидан биз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва оқилона эканини кўрсатмоқда. Дунёда “ўзбек модели” деган ном билан тан олинган бу йўл замирида мужассам бўлган беш тамойил, яъни, иқтисоднинг мафкурадан тўла холи бўлиши, давлатнинг бош ислоҳотчи экани, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич равишда амалга ошириш билан боғлиқ принциплар ҳозирги кунда ўзининг ҳар томонлама ижобий самарасини бермоқда, юртимизда эркин ва фаровон ҳаёт асосларини барпо этишда мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 90-йилларнинг бошида биз ўзимиз учун ҳаётий шиор сифатида белгилаб олган «Ислоҳотлар – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун», «Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг» деган қоидалар бугун ҳам фаолиятимизда муҳим дастуриламал бўлиб келмоқда.

Бошқача айтганда, биз барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотларни тадрижий ва изчил амалга ошириш жараёнида қандай ютуқ-



www.ziyouz.com kurubxonasi

ларга эришган бўлсак, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинликларини энг олий қадрият ва бойлик сифатида жамиятимиз ҳаётида асосий ўринга кўтариш доимий эътибор марказимизда бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Шу билан бирга, ҳаётнинг барча жабҳаларини янада эркинлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масаласи ижтимоий ҳаётимизда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жамиятимиздаги янгиланиш ва ўзгариш жараёнларининг моҳиятида шу заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча Ўзбекистон фуқароларининг ҳаётий манфаатларини таъминлашдек эзгу мақсад мужассам эканини ҳар қадамда кўриш, кузатиш мумкин.

Юртимизда 2007 йилга «Ижтимоий ҳимоя йили» деб ном беришда ҳам, аввало ана шу мақсадлар назарда тутилгани шубҳасиз. Шу муносабат билан қабул қилинган давлат дастуридаги вазифаларнинг ҳам бир-бири билан узвий боғланиб, пировардида халқимизнинг оғирини енгил қилиш, унинг турмуш фаровонлигини ошириш, энг асосийси, жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишга қаратилгани ҳам шундан далолат беради.

Бизнинг ўз иш фаолиятимизга айнан ана шундай тамойил ва мезонлар асосида баҳо беришимиз амалий иш услубига айланиб бораётгани айниқса эътиборлидир. Буни мамлакатимизнинг 2006 йилдаги иқтисодий-ижтимоий ривожланиш якунлари ва 2007 йилдаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси



www.ziyouz.com kurubxonasi

материаллари ва шу аснода ҳаётимизнинг долзарб масалаларига доир қабул қилинган фармон ва қарорлар ҳам тасдиқлайди. Шу йил 19 мартда имзоланган «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармон бу борада олиб бораётган изчил ва қатъий саъй-ҳаракатларимизнинг яна бир ёрқин мисоли ва ифодасидир.

Ўтган давр мобайнида амалга оширган ишларимиз таҳлили шуни кўрсатадики, 2006 йил юртимиз тараққиётида алоҳида босқич бўлиб қолади. Энг муҳими – бугунги кунда қўлга киритаётган барча ютуқларимиз демократик жамият ва фаровон ҳаёт қуриш борасида ҳавас қиладиган натижаларга эришган Европа давлатлари, Япония ёки Жанубий Корея сингари мамлакатлар қаторидан жой олишда биз учун янги уфқ ва имкониятлар очади.

Албатта, юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш – буларнинг барчаси бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараён бўлиб, бундай даражага кўтарилиш ҳеч қачон осонликча кечмаслигини барчамиз яхши тушунамиз.

Биз кўзлаган ана шундай эзгу мақсадларни, белгилаб олган яқин ва узоқ режаларимизни амалга ошириш вазифаси юртимизда мавжуд бўлган барча салоҳиятлардан самарали фойдаланиш, ҳозирга қадар ишга солинмаган кўпгина куч ва имкониятларни сафарбар этиш, энг муҳими, белимизни маҳкам боғлаб, астойдил меҳнат қилишимизни тақозо этади.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Бу йўлнинг устувор йўналишлари ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор қуйидаги вазифаларга алоҳида эътибор беришимиз зарур.

**Биринчидан**, олдимизда турган юксак мақсад ва режаларни ўзимизга яққол тасаввур қилиш, уларнинг маъно-мазмунига етиб боришимиз лозим. Президентдан тортиб ҳар бир фуқарогача бу масалаларни ҳаётга татбиқ қилишни ўзининг бугунги кундаги энг асосий бурчи ва вазифаси деб билиши, шу йўлда жон куйдириши, бу жараёнда ўзини оддий томошабин эмас, балки фаол иштирокчи сифатида ҳис этиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

**Иккинчидан**, кўзлаган марраларимизга етиш учун шу юртда яшаётган, онгли фикрлайдиган ҳар қайси инсон ўз масъулиятини чуқур англаган ҳолда меҳнат қилиши даркор. Бу улуғвор мақсадлар барчамиздан – масъул лавозимда ўтирган раҳбар ва мутасадди ходимлар, деҳқон ва фермерлар, тадбиркор ва ишбилармонлар, саноат корхоналарининг ишчи-хизматчилари, тинч ва осойишта ҳаётимиз посбонлари бўлмиш ҳарбийлар, лўнда қилиб айтганда, Ватанимизнинг келажаги билан ўз ҳаёти ва тақдирини чамбарчас боғлаган ҳар қайси инсондан ўз зиммасига олган вазифани ҳалол ва сидқидилдан адо этишни талаб қилади.

**Учинчидан**, шу муқаддас заминда биз ҳеч кимдан кам бўлмаган эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун азму қарор қилган эканмиз, албатта бирдамлик, албатта меҳр-оқибатлилик, албатта чидам ва бардошлилик, албатта шижоат ва қатъиятлилик каби олижаноб хусусиятлар қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

**Тўртинчидан**, биз мустақилликка эришгандан кейин қайси соҳа ва йўналишда бўлмасин – бу



www.ziyouz.com kurubxonasi

иқтисодиёт ва сиёсат, давлат ва жамият қурилиши бўладими, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш ёки маданият ва маънавий ҳаёт бўладими – қўлга киритган улкан ютуқларимиз барчамизники ва уларни ҳеч ким тортиб ололмайди.

Лекин, бу муваффақиятларга маҳлиё бўлмасдан, ортиқча манманлик ва мақтанчоқликка берилмасдан, ўтган давр мобайнида эришган ютуқларимиз билан бир қаторда йўл қўйиган камчилик ва нуқсонларимиз, бой берган имкониятларимизни ҳам холисона тан олиб, улардан тегишли сабоқ ва хулоса чиқариб, келгуси фаолиятимизда бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун барча чораларни кўришимиз, керак бўлса, оқу қорани, дўсту душманни ажратиб олишимиз, доимо сезгир ва огоҳ бўлишимиз, қисқа қилиб айтганда, ён-атрофимизда ҳали-бери сақланиб қолаётган хавф-хатарларга очиқ кўз билан қараб, турли таҳдидларга бўш келмасдан, охир-оқибатда ўзимизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга эришишимиз шарт.

**Бешинчидан**, бизга ҳамиша маънавий куч-кувват берадиган миллий қадриятларимиз, бой тарих ва маданиятимиз, буюк аждодларимизнинг қолдирган бебаҳо мероси, дину диёнатимизни кўз қорачиғидай асраб-авайлаб, эъзозлаб, эртанги кунга бўлган ишонч туйғусини ўз амалий ишларимиз билан янада мустаҳкамлашимиз лозим.

Бугун халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини тобора чуқурроқ англаб боргани сари барчамизнинг қалбимизда «Биз киммиз, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фахрланамиз, биз уларга муносиб бўла оляпмизми?» деган даъваткор сўзлар теран маъно касб этиши табиийдир.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Ҳозирги шиддатли замоннинг реал ҳақиқати шундан иборатки, интеллектуал ва маънавий бойликка эга бўлган халқ ва миллат, ҳеч шубҳасиз, ҳақли равишда бугунги ва эртанги кунга эгалик қила олади. Биз ёш авлодимизни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бирга, уларнинг умумбашарий тараққиёт ютуқлари, замонавий билимларни ҳар томонлама чуқур ва пухта эгаллаши учун барча шарт-шароитни яратиб беришимиз лозим. Чунки ҳозирги пайтда давр бизнинг олдимизга қўяётган юксак талабларга жавоб беришга қодир бўлиб яшаш, турли-туман мураккаб муаммоларни ўз вақтида ва оқилона ечиш учун албатта замонавий билим ва тафаккур сув билан ҳаводек зарур.

Ёшларимизни ўз мустақил фикрига эга бўлган, барча соҳаларда дунёдаги тенгдошлари билан беллаша оладиган, биз бошлаган ишларнинг муносиб давомчилари, мард ва жасур, комил инсонлар қилиб тарбиялаш — бу нафақат катта бахт, айни пайтда бу аввало ўзбек халқининг қадимий шуҳратини қайта тиклаш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтириш, ривожланган давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашининг асосий шарти ва гаровидир.



www.ziyouz.com kurubxonasi

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ, ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ ТАЛАБЛАРИНИ ТЎЛИҚ ЖОРИЙ ЭТИШ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ҚУРИШ – ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗ ГАРОВИДИР

*2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза*

*2007 йил 12 февраль*

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Бугунги йиғилишимиздан кўзланган асосий мақсад — юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаларини ва 2006 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларини танқидий баҳолаб, 2007 йилдаги муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа ва йўналишларни белгилаб олишдан иборат.

Ўтган йил якунларини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги ўта муҳим ва ўзига хос жиҳатлар ва хулосалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

**Биринчидан,** Халқаро валюта жамғармасининг иқтисодиётимизнинг ўтган йилги ривожланиш якунлари бўйича берган баҳолари, яъни ялпи ички маҳсулотимизнинг юксак ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий ривожланиш натижалари, олтин-валюта захирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлигини таъминлайдиган экспорт ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада кўпайиши барчамизни қувонтиради, албатта.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Давлат бюджети 93 миллиард сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан бажарилди. Олиб борилаётган қатъий пул-кредит сиёсати ва пул айланмасининг изчил назоратда тутилиши монетар кўрсаткичларнинг барқарор даражасини таъминлаш, инфляция суръатини пасайтириш ва уни 6,8 фоизга олиб келиш имконини берди.

2006 йилда ялпи ички маҳсулот 7,3 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш ҳажмининг саноатда 10,8, қишлоқ хўжалигида 6,2 фоизга ошгани, инвестицияларнинг 11,4, қурилиш-пудрат ишларининг 12,8, хизмат кўрсатиш соҳасидаги кўрсаткичларнинг 19,5 фоизга ўсгани иқтисодий ривожланишнинг асосий омиллари бўлиб хизмат қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўтган йилда эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалий намоёни бўлди.

Масалан, 2006 йилда иқтисодиётнинг ўсиши, солиштирма нархларда олиб қараганда, 2000 йилга нисбатан 45 фоизни ташкил этди, бунда саноат ишлаб чиқариши 1,6 марта, қишлоқ хўжалиги 1,5 баробар, ташқи савдо айланмаси 1,7 марта, экспорт ҳажми 1,9, олтин-валюта захираси 3,7 баробар, реал иш ҳақи эса 4 марта ошганини кўриш мумкин. Шу билан бирга, инфляциянинг йиллик даражаси 4 мартадан зиёд пасайганини ҳам қайд этиш лозим.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Айни пайтда, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш борасида ҳам жиддий ютуқларга эришилди. Бунинг натижасида саноатда меҳнат унумдорлиги 1,7 марта ошди.

Шуниси диққатга сазоворки, ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши анъанавий хом ашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хом ашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки, биринчи навбатда, рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

2006 йилда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 14,2 фоиз ўрнига 22,1 фоизни, хизматлар кўрсатиш соҳасининг улуши 30 фоиз ўрнига 39,5 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалигида эса аксинча — бу кўрсаткич пасайиб, 32 фоиздан 24 фоизга тушди.

Ёқилғи-энергетика мажмуаси ва рангли металлургия тармоқлари юқори суръатларда ўсди. Ўтган йили фақат ёқилғи-энергетика мажмуасини ривожлантириш, реконструкция ва модернизация қилиш учун 250 миллион доллар ҳажмидаги хорижий сармоя жалб қилинди.

2006 йилда ўсиш суръати машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида 25,7 фоиз, кимё ва нефть-кимё саноатида 19,6 фоиз, озиқ-овқат соҳасида 28 фоиз, енгил саноатда 20 фоиз, ёғоч-



www.ziyouz.com kurubxonasi

ни қайта ишлаш ва мебель саноатида 18 фоиз, қурилиш материаллари саноатида 12 фоизга ошди.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаоллигини ошириш ва молиявий барқарорлигини таъминлашда пухта ўйланган, биринчи навбатда, солиқ юкини камайтиришга қаратилган солиқ сиёсатининг ўтказилиши муҳим аҳамият касб этди. Ўтган йили юридик шахслар даромадлари (фойда)дан олинадиган солиқ ставкалари 15 фоиздан 12 фоизгача, дивиденд ва фоизлардан олинадиган солиқ 15 фоиздан 10 фоизгача, ягона ижтимоий тўлов эса 31 фоиздан 25 фоизгача камайтирилди. Экология солиғи бутунлай бекор қилинди.

Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш натижасида республикамиз корхона, компания ва хўжаликлари 2006 йилда ўз молиявий ресурсларини қўшимча равишда 425 миллиард сўмга кўпайтирди. Бу эса инвестицияларнинг ўсиши, корхоналарнинг айланма маблағини тўлдириш ва меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилди.

**Иккинчидан,** бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатди.

2006 йилда молиялашнинг барча манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 3 миллиард 140 миллион АҚШ долларига тенг даражани ташкил этди.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Иқтисодиётга йўналтирилган сармояларнинг қарийб 50 фоизи технологияларни янгилаш ва замонавий ускуналар харид қилишга сарфланди.

Барча сармояларнинг 77,5 фоизини ташкил этадиган марказлашмаган сармояларнинг асосий ўсиши хорижий инвестицияларни тўғридан-тўғри жалб қилиш, корхоналарнинг ўз маблағи ва банк кредитлари ҳисобидан таъминланди.

Натижада йил давомида Қўнғирот сода заводи, Тўполанг ГЭСи ишга туширилди, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида мис ва унинг қуйилмаларидан тасма ленталарини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, «Кўкдумалоқ» қўшма корхонасида газни қайта ишлаш қувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида газни қисмларга ажратадиган қурилма, Газли — Саримой газ қувури қурилиши, тўқимачилик саноатида эса 11 та инвестиция лойиҳаси якунига етказилди, саноатнинг қатор етакчи тармоқларида йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга киришилди.

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон темир йўли қурилиши, Тошкент иссиқлик электр станциясини модернизация этиш, Навоий шаҳри аэропортини реконструкция қилиш, Резаксой ва Ҳангаронсой сув омбори ҳамда бошқа объектлар барпо этиш билан боғлиқ йирик лойиҳаларни амалга ошириш давом этмоқда. Арис — Ўзбекистон темир йўл тармоғи электрлаштирилди. Йўловчи ташиш поездларининг янги тезюрар йўналишлари ишга туширилди.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Йўл қурилиши дастурининг амалга оширилиши туфайли 2006 йилда халқаро транспорт тармоғи таркибига кирадиган 130 километр автомобиль йўли реконструкция қилинди, умумий фойдаланишда бўлган 2400 километр йўл таъмирланди, 34 та кўприк қурилди.

Умумий қиймати 186 миллион доллар бўлган, тўғридан-тўғри жалб этилган хорижий сармоялар иштирокида 53 та лойиҳа бўйича маблағларни ўзлаштириш якунланиб, маҳсулот ишлаб чиқариш бошланди. Жумладан, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компаниясида — 11 та лойиҳа, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида — 4 та, «Ўзбекчармпойабзали» акциядорлик компаниясида — 2 та ва республикамизнинг турли ҳудудларида 31 та лойиҳа амалга оширилди.

**Учинчидан,** одамларда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши ўзгармоқда, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига масъулият ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар янада яққол намоён бўлмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги самарадорлигини тубдан ошириш, сўнгги йилларда пахтачилик, ғаллачилик ва мева-сабзавотчиликда мўл ҳосил етиштириш, ишлаб чиқариш ҳажмларининг ўсишида чуқур ўйланган ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар асосий омил бўлаётганини барчамиз яхши англаймиз.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Шуни мамнуният билан қайд этиш жоизки, фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланди.

Ҳозирги пайтда республикамизда 190 мингга яқин фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда ва уларда салкам 1,4 миллион киши меҳнат қилмоқда.

Агар 2000 йилда етиштирилган пахта ҳосилининг 21 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоиздан ошиб кетди, бошоқли дон экинлари етиштириш бўйича эса 2000 йилда 15 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йили 75 фоиздан иборат бўлди.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 666 та ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобидан 74 мингта фермер хўжалиги тузилди, уларнинг ярмидан кўпи мева-сабзавотчиликка ихтисослашганини таъкидлаш лозим.

Қишлоқ жойларда бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган меҳнат кооперациясининг янги шакллари, янгича хўжалик муносабатлари тизими қарор топмоқда.

Жумладан, фермер хўжаликлари томонидан мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 та агрофирма ташкил этилди, қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш, транспорт хизмати, маҳсулотларни қадоқлаш, жойлаш ва экспорт қилиш ҳамда шу каби бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шаклланмоқда.



www.ziyouz.com kurubxonasi

**Тўртинчидан,** миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳияти жадал ривожланиб, тобора рақобатга бардошли бўлиб бораётгани 2006 йилда эришган асосий натижаларимиздан бири бўлди.

Экспорт корхоналаримиз фаолиятининг энг муҳим йўналишига, бутун иқтисодиётимизнинг ривожланиш натижаларини баҳолаш мезонига айланди.

Бугунги кунда деярли кўпгина тармоқ ва корхоналаримиз ташқи иқтисодий фаолиятга тўлиқ жалб этилган бўлиб, ташқи бозорларни фаоллик билан ўзлаштирмоқда.

Биргина 2006 йилнинг ўзида товар маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 31,5 фоизга ўсиб, 2000 йилга нисбатан 2 мартадан кўпроқ ортди.

Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси йил давомида қарийб 2 миллиард АҚШ долларигача ўсди.

Шу борада эътиборингизни муҳим бир масалага қаратмоқчиман.

Экспорт ҳажмининг ана шундай ўсиши биз учун анъанавий ресурслар бўлмиш пахта толаси, қимматбаҳо металлар ва турли хом ашё етказиб бериш ҳисобига эмас, балки, асосан, автомобиллар, нефть-кимё ва металл маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ип-калава ва газлама, трикотаж буюмлар, симкабель маҳсулотлари, қурилиш материаллари ва бошқа шу каби кўплаб экспорт товарлари ҳажми ва турларини кўпайтириш эвазига таъминланмоқда.

Буни экспорт ҳажмида тайёр маҳсулотлар ва хизматларнинг улуши 53 фоиздан ошгани, пахта толасининг улуши эса 17 фоизгача камайгани ҳам яққол тасдиқлайди.



www.ziyouz.com kurubxonasi

**Бешинчидан,** 2006 йилда аҳоли бандлигини ошириш, халқимиз турмуш даражасини босқичма-босқич юксалтириш йўлида сезиларли қадамлар қўйилди.

Барча тоифадаги ишчи-ходимларнинг реал иш ҳақи ўтган йилда 36 фоизга ўсди.

Ўтган йили иқтисодиётимизда амалга оширилган таркибий ўзгариш ва ўсиш суръатлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни рағбатлантириш, хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, одамларимизга касаначиликнинг турли шакллари билан шуғулланиши учун шарт-шароит яратиб бериш, муҳтож оилаларни чорва моллари билан таъминлаш борасида қилинган кўпгина ишлар туфайли мамлакатимизда қарийб 570 мингта иш ўрни яратилди.

Айниқса, 2006 йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, бунинг натижасида 60 мингдан зиёд иш ўрни ташкил этилди.

Мана шу билдирилган фикрлар нуқтаи назаридан ҳар қайси ҳоким ўз вилоятида қандай иш қилингани ҳақида ҳисоб берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, биз катта сармоя, маблағ талаб қилмайдиган касаначиликни йўлга қўйиш мақсадида жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналарида бекор ётган турли хил дастгоҳ ва ускуналарни қўлидан иш келадиган одамларга, оилаларга бердик. Натижада 60 минг одам, 60 минг оила қўшимча даромадга эга бўлди. Шу одамларнинг, айтиш мумкинки, дунёқараши ўзгарди. Улар энди ўз оиласи, болалари олдида бошини



www.ziyouz.com kurubxonasi

кўтариб яшайди, эл-юрт, Ватан равнақига ўз ҳиссасини қўшади.

Шу маънода, бу масала бўйича ибратли тажрибаларни ўрганиш, кенг тарғиб этиш албатта фойдадан холи бўлмайди.

Иқтисодиётимизда қўлга киритилган марралар ҳақида гапирганда, шуни айтиш керак, бугунги дунёда нуфузли ташкилот бўлмиш Халқаро валюта жамғармасининг берган баҳоси кўп нарсани англатади. Бундай ютуқлар замирида нима турибди? Албатта, пешона тери ва қаттиқ меҳнат.

Энг муҳими, инсон аниқ мақсад сари интилса, унга барча шарт-шароит яратиб берилса, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилса, у энг юксак марраларни эгаллашга қодир бўлади. Бизнинг мутахассислар, ёшларимиз қандай замонавий, юксак технологияларни ўзлаштира олаётганини кўриб турибмиз. Бугун касб-ҳунар коллежларини, олий ўқув юртларини битираётган болаларимиз ҳеч кимдан кам эмас.

Бу гаплардан мақсад шуки, биз ҳеч қачон Ўзбекистон эришган ютуқларни рўкач қилиб, қуруқ мақтаниш йўлига ўтганимиз йўқ ва ўтмаймиз ҳам.

Аксинча, бу борада реал натижалар ҳақида гапириш ўринли бўлади, деб ўйлайман. Масалан, таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ютуқларимизни олайлик. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти — унга ҳамқадам бўлиб яшаш ва ишлаш керак. Бунинг учун эса, аввало, интеллект, ақл-заковат керак.

Йилнинг ҳар чорагида ўтказиладиган ижтимоий ҳисоботлар натижаларига кўра, ўтган йили



www.ziyouz.com kurubxonasi

аҳолининг бандлиги 2,7 фоиз, шу жумладан, саноатда 9 фоиз ўсган, қишлоқ хўжалигида банд бўлганларнинг сони эса 4 фоизга камайган.

Аммо, бу йўналишда амалга оширилган ишларга қарамасдан, бугунги кунда мамлакатимизда вақтинчалик ишларда банд бўлганлар сони салкам 300 минг нафарни ташкил этаётганига, 560 мингдан зиёд киши ёки меҳнатга лаёқатли фаол аҳолининг қарийб 5 фоизи ишга жойлашишга муҳтож эканига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Бундай ҳолат аҳоли бандлиги муаммолари ҳалибери ижтимоий сиёсатимизнинг зудлик билан ҳал қилиш талаб этиладиган ўткир ва долзарб масаласи бўлиб қолаётганини кўрсатади ва бу соҳада давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан амалга оширилаётган барча ҳаракатларимизни янада кучайтиришни талаб қилади.

2006 йилда аҳолининг кам таъминланган ва муҳтож қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш борасида аниқ йўналтирилган самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида мақсадли умуммиллий дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Фақатгина «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурида кўзда тутилган тадбирлар ижроси учун қарийб 284 миллиард сўм, жумладан, 133 миллиард сўм бюджет маблағи, 151 миллиард сўмдан зиёд идора ва ташкилотлар, ҳомийлар маблағи сарфлангани ҳам шундан далолат беради.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш натижасида 1997 йилдан буён касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари учун қарийб 600 минг нафар малакали ёш кадрлар тайёрланди.

Мана бу — бизнинг катта ютуғимиз. Биз 600 минг ёш, келажакка интилган, кўзлари ёниб турган йигит-қизларимизни ҳаётга тайёрладик. Уч йиллик ўқиш давомида замонавий касб ва дунёқараш эгаси бўлган, хорижий тилларни пухта биладиган ёш авлодимиз ҳаётга кириб келмоқда.

Биргина 2006 йилнинг ўзида 8 минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 6 та академик лицей ва 70 минг ўринли 124 та касб-ҳунар коллежи қуриб, фойдаланишга топширилди, 8,7 миллиард сўмлик ва 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги ўқув-лаборатория жиҳозлари харид қилинди.

Мактаб таълимини ривожлантириш дастурига мувофиқ 2006 йилда 61 та янги мактаб қуриб, фойдаланишга топширилди, 385 та мактаб капитал реконструкция қилинди, 530 та мактаб эса таъмирланди.

Фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалани ўртага қўйиш жоиз, деб биламан. Агар биз 1997 йили Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул қилмасак, лицей ва коллежларни қуриш, нафақат қуриш, балки жиҳозлаш, уларда ишлайдиган малакали педагогларни, тегишли дастурларни тайёрлашни йўлга қўймасак, бу даргоҳларни битириб чиқадиган ёшларни ишга жойлаш масаласини ўйламасак, айтинглар, нима бўлар эди?

Фарзандлари келажагини ўйлаб яшаш — ўзбек миллатига хос фазилат.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Бугун мана шу дастурни бутун дунё эътироф этмоқда. Лицей ва коллежларни битирган минг-минглаб ёшларимиз нафақат юртимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам муваффақиятли ишламоқда.

Шу маънода, мамнуният билан айтиш мумкинки, мана шу ўн йил биз учун бекор ўтгани йўқ. Бу ишларимизнинг дастлабки ҳосилини кўра бошладик. Бизнинг ишимизга кимки баҳо бермоқчи бўлса, ана шу ёшларга, уларнинг онги ва дунёқарашига боқсин.

Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг сифат жиҳатидан мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Барча мактабларда меҳнатда ўрнак кўрсатган халқ таълими ходимларини рағбатлантиришга қаратилган мактаб директори фондлари тузилди ва ўтган йили шу фондлар орқали 190 минг нафарга яқин ўқитувчи рағбатлантирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, мамлакатимизда спортни, биринчи галда, болалар спортини ривожлантириш, тиббиёт ходимлари ва ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор қаратилди.

Мамлакатимизнинг ўтган йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш натижаларига якун ясар эканмиз, ҳақиқатан ҳам, 2006 йил — бозор иқтисодиёти ва демократия йўлида чуқурислоҳотлар амалга оширилган, иқтисодиётимиз юксак суръатлар билан ривожланган, эл-юртимизнинг тур-



www.ziyouz.com kurubxonasi

муш даражасини юксалтириш борасида ижобий ўзгаришларга эришилган йил бўлди, деб ишонч билан айтишга барча асосларимиз бор.

Халқимизнинг белни маҳкам боғлаб, пешона тери тўкиб қилган машаққатли меҳнати эвазига эришилган бу ютуқлар, ўз навбатида, янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада қатъий ва изчил ҳаракат қилишимиз учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши муқаррар.

Қадрли юртдошлар!

Биз 2007 йилги истиқбол кўрсаткичлари ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий устувор йўналишларини белгилар эканмиз, аввало, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик янгилаш, жамиятни эркинлаштириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда иш олиб боришимиз лозим.

Шу борада иқтисодиётимизни ривожлантиришда қандай устувор йўналишлар кўзда тутилмоқда?

Албатта, олдимизда турган вазифалар кўп, лекин ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳаётий масалаларнинг жиловини қўлда маҳкам ушлаб турмасак, кўзлаган натижага эриша олмаймиз.

**Биринчи навбатдаги ҳал қилувчи асосий вазифа — бу иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб суръатларда ўсиши ҳамда таркибий ўзгаришлар ва модернизациялашни таъминлаш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштиришдан иборат.**



www.ziyouz.com kurubxonasi

Барчамизга маълумки, мамлакатимиз Олий Мажлиси томонидан 2007 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари тасдиқланган. Жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,7 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 7,8 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 5 фоиз ўсишини таъминлаш, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга жалб этиладиган инвестициялар ҳажмини эса 25,5 фоизга кўпайтириш белгиланган.

Шу билан бирга, қатъий молия-кредит ва пул сиёсатини юритиш ва шу асосда йил давомида инфляция даражасини 5—7 фоизгача қисқартириш кўзда тутилган.

Солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш ва солиқ органлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Даромад солиғи ставкаларини 12 фоиздан 10 фоизга, кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасини 13 фоиздан 10 фоизга, шунингдек, ягона ижтимоий тўлов ставкасини 24 фоизгача камайтириш кўзда тутилмоқда.

Тиббиёт, таълим ва спорт объектларини сақлаш харажатлари корхоналарнинг солиққа тортиладиган базасидан чиқарилади, савдода илгари тўлаб келинган учта тўлов ўрнига эса ягона солиқ тўлови жорий этилади.

Шунингдек, жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ ставкалари сезиларли даражада пасайтирилади, қатор бошқа солиқ тўловлари ва имтиёзлари унификация қилинади.

Айни пайтда саноатнинг ёқилғи-энергетика, нефть-газ-кимё мажмуалари, энергетика, олтин



www.ziyouz.com kurubxonasi

қазиб олиш ва рангли металлургия, кимё ва қурилиш материаллари саноати каби тармоқлари, ахборот ва коммуникация технологиялари соҳалари доимий диққат марказимизда бўлади.

Енгил саноат тармоқлари, шу жумладан, тўқимачилик саноати, хом ашёни қайта ишлаш тармоқлари мамлакатимизда қандай бой манбаларга ва аҳолини иш билан таъминлаш бўйича қандай салоҳиятга эга эканини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам бу соҳаларнинг ўсиши ва самарасини оширишга жиддий аҳамият берилади.

Олдимизда турган, алоҳида эътиборни талаб қиладиган яна бир муҳим масала — бу қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишни изчиллик билан давом эттиришдан иборат. Биз истиқлол йилларида том маънода ғалла мустақиллигига эришдик, бугунги кунда фақат ўзимизни ғалла билан таъминлаб қолмасдан, айни вақтда ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт ҳам қилмоқдамиз. Жаҳон пахта бозорларида ўзбек пахта толаси доимо юксак харидоргир бўлиб келмоқда. Буни икки йилдан бери Тошкент шаҳрида ўтказилаётган Халқаро пахта ярмаркаси натижалари ҳам яққол тасдиқлаб турибди.

Буларнинг барчаси бизни қувонтиради, албатта. Лекин айни пайтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг самарасини ошириш, мулкчилик муносабатлари ва шаклларини тубдан ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, қишлоқларимизни обод этиш асосида қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини юксалтириш вазифалари доимий эътибор марказида туриши шарт.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Шу мақсадларга эришишда қишлоқ жойларда ихчам, замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналар қуриш, кичик бизнес ва тадбиркорлик, касаначиликнинг турли шаклларини ривожлантириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Бу масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) 2007—2011 йилларга белгиланган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини қамраб оладиган ягона дастур ишлаб чиқиши зарур. Унда қишлоқни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш учун тегишли тадбирлар, шу жумладан, молиявий омиллар ва солиқ имтиёзлари кўзда тутилиши лозим.

Бу дастур ҳақида гапирганда, ҳокимларнинг масъулиятини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур. Нима учун баъзи вилоятлар қишлоққа саноатни олиб киришда сезиларли натижаларга эришяпти-ю, баъзилари бу масалада оқсамоқда?

Ҳар бир ҳоким ўз фаолиятига баҳо беришда ана шундай мезонларга асосланиши лозим. Эски тузумга хос рапортбозлик каби нуқсонларга чек қўйиш даркор.

Инсон ҳаёти учун муҳим бўлган соҳалар — ҳаёт даражасини кўтариш, соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, одамларнинг кайфиятига таъсир этадиган ижтимоий масалаларни ечишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Албатта, қишлоқ хўжалик соҳасида ислоҳотлар бўляпти, лекин ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон учун бўлиши лозим. Мисол учун, фермерлик ҳаракатини олайлик. Бу ҳаракатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти беқиёс, унинг келажаги бор. Аммо



www.ziyouz.com kurubxonasi

бу соҳада ҳам турли камчиликлар, салбий ҳолатлар учраётганидан кўз юмиб бўлмайди. Фермерларга кенг йўл очиб бериш керак, айни вақтда уларга нисбатан талабни ҳам сусайтирмаслик лозим.

Айтайлик, бир фермер мажбуриятини бажариб, ўз даромадидан орттириб, мактаб ёки боғча куряпти, баъзи фермерлар эса зиммасига олган шартнома режасини ҳам бажармаяпти. Ҳолбуки, улар учун уруғлик, ёқилғи, ўғит ва кредит маблағлари ўз вақтида етказиб берилмоқда.

Агар биз бу борадаги шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилмасак, табиийки, давлатимизга, халқимизга катта зиён етади.

Шу сабабли бу дастурни ишлаб чиқишда қишлоқ жойларда кичик корхоналар ташкил этишда давлат томонидан тегишли имтиёзлар берилиши керак. Шу билан бирга, қишлоқда зарур инфратузилма — газ, сув, электр, коммуникация тармоқларини яратиб беришни ҳукумат ўз зиммасига олиши даркор. Шундагина бу жойларга чет эл инвестицияси келади, шундагина қишлоқда ривожланиш бўлади.

Мазкур дастурда қишлоқ хўжалигида етиштириладиган хом ашёни, биринчи навбатда, мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини тубдан қайта ишлаш масаласи муҳим ўрин эгаллаши даркор.

Чорвачилик соҳасида фермер хўжаликлари ташкил этиш, шунингдек, қишлоқдаги муҳтож оилаларни қорамол билан бепул таъминлаш ҳисобига чорва сони бугунги кунда 2000 йилга нисбатан учдан бир қисмга кўпайди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш миллий дастурига мувофиқ бу йил ҳам қишлоқ жойларда 60



www.ziyouz.com kurubxonasi

мингга яқин кам таъминланган оилаларга чорва моллари, биринчи галда соғин сигирлар бепул берилиши кўзда тутилмоқда.

Лекин шулар қаторида таъкидлаш керакки, бугунги кунда чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, наслчиликни тубдан яхшилаш, ветеринария ва зоотехника хизматининг замонавий тармоғини ташкил этиш, ем-хашак, аввало, омухта озуқа билан таъминлаш каби муаммолар ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Гўшт-сут ишлаб чиқариш тармоғини ривожлантириш, замонавий технология билан жиҳозланган ихчам хусусий корхоналарни ташкил этиш, шу асосда харидоргир маҳсулотлар сифати ва турларини оширишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мамлакатимизда сифатли хом ашёнинг бой ресурслари мавжудлигига қарамасдан, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узумни комплекс қайта ишлаш соҳасида ҳам қалашиб турган, ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳали кўп.

Биз иқтисодиётимиз таркибида хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Бугунги кунда мазкур соҳада ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи яратилмоқда, унда иқтисодиётда банд бўлган меҳнатга лаёқатли аҳолининг қарийб 58 фоизи фаолият юритмоқда.

Ўтган йили бу соҳада муайян ишлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз. Жумладан, маиший хизматлар 15 фоизга, таълим хизматлари, болалар ва ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш 30 фоизга кўпайди, молиявий хизматлар эса 2,5 мар-



www.ziyouz.com kurubxonasi

та ортди. Телекоммуникация хизматлари, уяли телефон алоқаси, Интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш шохобчалари ва бошқа соҳалар ҳам жадал суръатда ривожланмоқда. Телекоммуникация технологияларини такомиллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар 2006 йилда мамлакатимизнинг 220 та чекка ва олис аҳоли пунктларини телерадио тўлқинлари билан қамраб олиш имконини берди.

Универсал илмий кутубхоналар негизида ахборот-кутубхона марказлари ва ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши аҳолига ахборот хизмати кўрсатишда янги имкониятлар очиб берди, улар ўқувчиларнинг билим даражаси ва мустақил таълим олиш имкониятини оширишга хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, республикамизда хизмат кўрсатиш соҳасининг сифати ва савияси бугунги кун талабларига жавоб бермайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, хизмат кўрсатиш ва сервисга бўлган талабнинг изчил ўсиб бориши билан бу соҳа нафақат аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, энг зарур замонавий хизматлар кўрсатиш, балки одамларнинг, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммоларини ҳал қилишда муҳим роль ўйнаши керак. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз хизмат кўрсатиш соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 2007 йилда 42-43 фоизга етказишимиз даркор.

Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларда коммуникация тизимлари — темир йўл ва автотранспорт инфратузилмаси, электр, газ ва сув тармоқ-



www.ziyouz.com kurubxonasi

ларини ривожлантириш катта ўрин тутади. 2007 йилда жанубий йўналишда — янги Тошгузар—Бойсун—Қумқўрғон темир йўли бўйлаб поездлар қатновини йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бу йирик лойиҳага 450 миллион АҚШ долларига яқин хорижий ва маҳаллий инвестиция йўналтирилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Биз учун ушбу темир йўл нафақат муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган транспорт ўзаги, балки мамлакатимизнинг жанубий ҳудудлари — Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини барқарор иқтисодий ривожлантиришга шарт-шароит яратадиган ва ҳал қилувчи асосий омиллар бўлиб хизмат қилиши билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашда, унинг фаровонлигини оширишда катта ўрин тутиши муқаррар.

Минтақада кўмир ва ёқилғи саноати каби етакчи соҳаларни ривожлантириш, Хонжиза конида полиметалл рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш, Тюбегатан калий ўғитлар конини ўзлаштириш ишларини амалга ошириш имконини берадиган мезондир.

Транспорт коммуникациялари ҳақида гапирганда, яқинда қабул қилинган «2010 йилгача автомобиль йўлларини ривожлантириш концепцияси»ни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Молия вазирлиги, Республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси ҳамда жойлардаги бошқарув органлари халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган янги автомобиль йўлларини қуриш, мавжуд бўлганларини реконструкция қилиш, замо-



www.ziyouz.com kurubxonasi

навий логистика марказларини шакллантириш бўйича концепцияда белгиланган чора-тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаши керак.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи ўзига жиддий эътибор қаратишни талаб қилади.

Баъзан бу борада мутлақо чидаб бўлмайдиган ҳолатларни учратиш мумкин.

Бир мисол. 2006 йилда тўқимачилик саноатида даққиюнусдан қолган эски дастгоҳлар билан таъминланган, зарар кўриб ишлаётган икки юзта корхонани ёпишга тўғри келди. Улар юқори харидоргир хом ашё — пахта толасидан бозори бўлмаган, ўта сифатсиз ип-калава ва момиқ ишлаб чиқариб келган.

Аҳвол шундай бўлишига қарамасдан, бу корхоналар, биринчи навбатда, туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг масъулиятсизлиги туфайли фаолият кўрсатишни давом эттирган.

Яъники, ҳокимлар бу сифатсиз маҳсулотнинг бозори йўқлигини билатуриб, гўёки одамларни иш билан таъминлаш мақсадида шу корхоналарни сақлаб келган. Савол туғилади: агар пахта толаси ҳокимларнинг хусусий мулки бўлса, уни зарар билан ишлайдиган шу корхоналарга берармиди? Йўқ, албатта!

Ушбу корхоналарни тугатиш ва ишчиларини бошқа корхоналарга ўтказиш ҳисобидан қарийб 20 минг тонна сифатли пахта толасини, яъни тах-



www.ziyouz.com kurubxonasi

минан 22 миллион АҚШ долларига тўғри келадиган маҳсулотни тежашга эришдик.

Ёки ҳали-бери сақланиб қолаётган, сифатли технологиялар, экстракция ускуналарига эга бўлмаган, катта зарар эвазига сифатсиз, истеъмол учун яроқсиз ўсимлик ёғи ишлаб чиқараётган ёғ-мой корхоналарини олайлик.

Бу соҳадаги мавжуд аҳвол учун масъулиятни ким ўз бўйнига олади?

Минг афсуски, мамлакатимизнинг реал иқтисодиётида фаолият юритаётган корхоналарда эскирган технологиялар, жисмоний ва маънавий жиҳатдан аллақачон ўз умрини ўтаб бўлган асбоб-ускуна ва дастгоҳлар асосида ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар сақланиб қолаётгани ҳақида салбий мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Баъзан бундай техника ва дастгоҳларни сақлаб туришнинг ўзига сарфланаётган харажатлар уларнинг ўрнига янги, замонавий ускуналарни сотиб олишдан қимматга тушмоқда. Ишлаб чиқаришдаги катта йўқотишлар ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади.

Бир ҳақиқатни барчамиз яна ва яна бир бор чуқур англаб олишимиз шарт. Тобора кучайиб бораётган рақобат муҳити ҳамда мунтазам ўзгариб турадиган бозор талаблари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, уни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш билан боғлиқ масалаларга нисбатан бизнинг ёндашувларимизни мутлақо бошқатдан кўриб чиқишимизни талаб қилмоқда.

Бугунги кунда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун



www.ziyouz.com kurubxonasi

самарали рағбатлантириш тизимини яратишимиз зарур.

Бу борада модернизация қилиш ва янгилаш жараёнларини жадаллаштириш учун корхоналарнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан йўналтираётган сармояларини уч йилга даромад (фойда) солиғидан, ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни эса мулк солиғидан озод қилиш бу масалага ижобий таъсир ўтказиши мумкин.

Шунингдек, ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган ва ягона солиқ тўловини тўлаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналар учун 5 йил муддатга инвестицион солиқ имтиёзини жорий қилиш таклиф этилади. Унга кўра, солиққа тортиш базаси янги сотиб олинган технологик ускуналар қийматига тенг миқдорда камайтирилади. Фақат бу кўрсаткич солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан ошмаслиги керак.

Молия ва Иқтисодиёт вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси бир ой муддатда ушбу масала бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

Ҳурматли дўстлар!

**Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат бўлиб қолаверади.**

Ушбу принципиал вазифаларни амалга оширишда қандай масалалар ва йўналишлар эътибор марказимизда бўлмоғи даркор?



www.ziyouz.com kurubxonasi

**Биринчидан,** хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига эътибор қаратиш лозим.

Бу борада яна қандай янги қонуний нормалар ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниши зарурлигини, амалдаги қонун ҳужжатлари бугун нима учун ишламаётганини аниқлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Суд қарорларининг муқаррар равишда бажарилишини таъминлашда Суд қарорлари ижроси департаменти фаолиятининг самарасизлиги жиддий камчилик бўлиб қолмоқда.

2006 йили республикада ушбу тизимни мустаҳкамлаш юзасидан кескин чоралар кўрилди, унинг кадрлар таркиби деярли тўлиқ янгиланди, суд ижрочилари сони кўпайтирилди, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Бироқ, афсуски, қабул қилинган суд қарорлари ижросини таъминлаш чоралари ҳалигача аниқ амалий натижа бераётгани йўқ, бу қарорларнинг аксарияти ойлаб, ҳатто йиллаб бажарилмасдан қолмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб, биз кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш масаласида янги тартибни, яъни икки кун ичида хабардор қилган ҳолда рўйхатга олиш тизимини жорий қилишга ўтдик.

Шунга қарамасдан, жойларда ҳамон эскича тартиб сақланиб қолмоқда, одамларга ўз иши, ўз бизнесини очиш ҳуқуқини берадиган турли лицензия ва рухсатномалар бериш тажрибаси давом этмоқда.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Шунингдек, бизнесни ёпиш ва тугатишни расмийлаштириш масаласи ҳам ҳал этилмаган ва тартибга солинмаган. Бунинг оқибатида бу ишларни ҳал қилиш баъзан ойлар давомида чўзилади.

Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) қисқа муддатда бу масалалар бўйича тегишли тартиб ўрнатиши лозим.

**Иккинчидан,** биз хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни ҳам тубдан ўзгартиришимиз, иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларга қарашли корхоналарнинг акцияларини кимошди савдосига қўйиш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур.

Бу ҳақда гапирганда, илгари ҳам айтган фикрни яна бир бор таъкидлашни истардим: биз хусусийлаштиришдан келадиган маблағлар ҳисобидан бюджетга тушумларни кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ.

Бу борадаги асосий масала — хусусийлаштириладиган объектларга эгалик қилишга даъвогарларнинг аввало объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятларидир.

Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари ғоят қисқа муддатда амалдаги Хусусийлаштириш дастурларини қайта кўриб чиқсин ва бунда акциялар пакетлари, жумладан, дав-



www.ziyouz.com kurubxonasi

латга тегишли назорат акция пакетлари бўлган, инвесторларга таклиф этиладиган стратегик муҳим объектлар рўйхатини тубдан кенгайтиришни назарда тутсин.

Такрор айтаман: биз бу масала бўйича бюджетга тушумларни кўпайтиришни ўйлаётганимиз йўқ. Гап бу ерда одамларнинг сармояси, маблағини мана шу соҳага жалб этиш ҳақида бормоқда. Чунки одамларда маблағ бор, лекин, айни пайтда, уларда агар пулимни сарфлайдиган бўлсам, эртага ортимдан тушади, текшир-текшир бошланади, деган ҳадик ва қўрқув ҳам йўқ эмас. Тан олиш керакки, бундай қўрқув бежиз эмас. Бизда ким кўп — текширувчи кўп.

Албатта, жамиятимизда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак. Лекин, шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларига, уларнинг ўз ҳалол меҳнати, пешона тери билан топадиган даромади ва бойлигига ёндашишда эски замондан қолган иллат ва асоратлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Лўнда қилиб айтганда, **уларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараш** жамиятимизда тобора чуқур қарор топишини хоҳлардим. Ва бундай ҳолатни бугун ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг табиий ва мантиқий натижаси тариқасида кўришимиз маъқул деб ҳисоблайман.

Бугунги кунда республика фонд бозори ва қимматли қоғозлар бозоридаги ишларнинг аҳволи ҳам бизни қониқтирмайди.

Бундай аҳвол кўп жиҳатдан корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимидаги жиддий камчилик ва нуқсонлар билан боғлиқ.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Шуни очиқ айтишимиз керак, хусусийлаштириш тўғрисида баландпарвоз баёнот ва гаплар айтилгани билан амалда аксарият ҳолларда улар акциядорлик жамиятлари раҳбарларининг эшикларидаги лавҳаларнинг ўзгаришига, яъни директор ўрнига бошқарув раиси деган ёзув пайдо бўлишига, лекин ишнинг моҳияти ва усули эскича қолишига олиб келмоқда, холос.

Минг афсуски, мазкур акциядорлик компанияларининг Кузатув кенгашлари, тафтиш комиссиялари деярли ишламайди, улар номигагина, қоғозда қолиб кетмоқда.

Ушбу муаммони бундай корхоналар негизида хусусий корхона ва компаниялар ташкил этиш орқали ҳал қилиш мумкин, деб ўйлайман.

Ташкил этиладиган мазкур корхона ва компанияларга ишлаб чиқариш самарадорлигини сўзсиз ошириш ва рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ўрта ва узоқ муддатли сармоя киритиш мажбуриятларини ўз зиммасига оладиган хусусий шахс ёки сони чекланган мулкдорлар эгалик қилиши лозим.

Бу вазифаларни биринчи галда иқтисодий ночор акциядорлик жамиятларига нисбатан уларни кейинчалик хусусий сармоядорларга сотиш шарти билан банкротлик механизмини қўллаш орқали ҳал этиш зарур.

**Учинчидан,** давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини кескин камайтириш бўйича юқорида қўйилган мақсадларга эришишда давлат назорат органларининг корхоналар хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувига тўла барҳам бериш муҳим аҳамиятга молик масала бўлиб қолмоқда.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Албатта, кейинги уч йилда бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда республикамизда молия-хўжалик фаолиятини фақат солиқ органлари текшириши мумкин, тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар фақат суд қарорига биноан қўлланади. Қонунчиликдаги баҳсли масалалар тадбиркорлар фойдасига ҳал этилмоқда. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакллари ва турлари кескин қисқартирилди.

Бироқ бу соҳада ҳали кўп иш қилиш керак. Гап бу ўринда корхоналар фаолиятига аралашиш учун маъмурий имкониятлардан, уларнинг молиявий ва бошқа ресурсларидан ҳар қандай шаклда ноқонуний фойдаланишга қаратилган уринишларнинг қатъий бартараф этилиши ва бундай хатти-ҳаракатларга йўл қўйганлар маъмурий тартибда ҳамда суд орқали жазоланиши зарурлиги ҳақида бормоқда.

Бизнинг асосий мақсадимиз шундан иборатки, ўз сармоясини аниқ бир ишга йўналтириб, ўзининг мулки ва маблағини ўртага қўяётган тадбиркор ҳар қандай даражадаги давлат амалдори, ҳеч қандай текширувчи унинг мулки ва бизнесига дахл қилишга ҳаққи йўқлигига ишонч ҳосил қилиши керак.

Ўйлайманки, Олий Мажлисимиз, Бош прокуратура ва суд органлари ушбу вазифани амалга ошириш бўйича қўшимча қатъий чоралар кўради.

Тадбиркорликка нотўғри муносабат, бу соҳа вакилларига кўрсатилаётган зўравонлик кўринишларини бозорларимизда кўп учратиш мумкин. Шу ўринда яқинда телевидениеда намойиш этилган бир ҳолатни мисол келтирмоқчиман.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Бир хонадонда эр-хотин, биз ҳам тадбиркорлик орқасидан бой-бадавлат бўламиз, деб ўз ишини, ўз бизнесини очмоқчи бўлади. Яъни улар уйида халқимизнинг машҳур таомларидан бўлмиш норин тайёрлашга ва уни бозорга чиқариб сотишга қарор қилади.

Ўзингиз яхши биласиз, норин тайёрлаш кўп меҳнат ва маҳоратни талаб қилади. Эр-хотин норин тайёрлаб, уни бозорга олиб чиқмоқчи бўлади. Лекин, шунга эътибор берайлик — бу ишни амалга оширишда улар қандай кутилмаган азоб-уқубат ва тамагирликларга дучор бўлади:

— бозорга чиқишдан олдин яқин қўшниларни норин билан зиёфат қилиш керак;

— бозор дарвозасида ўз ҳаққини талаб қиладиганларнинг қўлига нимадир қистириш зарур;

— бир амаллаб бозорга кириб олгач, жой олиш учун паттачиларни, таомнинг сифатини текширадиган ва бошқа турли назоратчиларни рози қилиш керак;

— охирида бозорнинг энг каттаси бўлмиш бозорқўмнинг навбатдаги ўтиришига устига қази тўғралган бир лаган ёғли норинни совға-салом тариқасида узатиш лозим.

Ўзингиз ўйланг, бу аҳволда бечора тадбиркорнинг ўзига нима қолади, шунча азобдан сўнг у қандай эркин нафас олиши, қандай тадбиркорлик қилиши мумкин?

Охир-оқибатда нима бўлади — хотинининг «йиғиштиринг бу ишингизни, тадбиркор бўлмасдан кетинг», деб эрига куйиниб гапирганини кўрамиз.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Бундай ҳолатни кўрган ҳар қандай одам фақат ёқасини ушлаб, тавба дейишга мажбур бўлади. Афсуски, қанчалик аччиқ бўлмасин, бу бор ҳақиқат.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

**Тўртинчидан,** кооперация алоқаларини кучайтириш ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мақсадга мувофиқ ҳолатларда, трансмиллий корпорациялар таркибига кириш очиқ иқтисодиёт йўлида изчил ривожланишимизнинг муҳим омили ҳисобланади.

Масаланинг бу тарзда қўйилиши, аввало, хом ашёни комплекс равишда ва чуқур қайта ишлаш негизида қўшимча қиймат даражаси юқори, замонавий юксак технологияларга эга бўлган саноат тармоқларини ривожлантиришга қаратилган таркибий ислоҳотларимизнинг моҳиятидан келиб чиқади.

Бизнинг ўзига хос шароитимизни ҳисобга олган ҳолда, йирик трансмиллий компаниялар билан кооперация алоқалари ва ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш — бу, аввалambор, замонавий менежмент, ишлаб чиқаришни бошқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий шакл жорий қилиш, энг илғор технологиялардан фойдаланиш ва, энг муҳими, маҳсулотларимизни сотиш учун жаҳон бозорларига чиқиш имконини яратади.

Кооперация ва ҳамкорлик ҳақида гапирганда, биз нафақат ноёб минерал-хом ашё бойликлари-



www.ziyouz.com kurubxonasi

ни, нафақат корхоналарнинг ишлаб чиқариш қуввати ва салоҳиятини, балки мамлакатимиздаги мавжуд интеллектуал ресурсларни, юқори малакали ишчи кучларини таклиф этишни ҳам назарда тутамиз.

Бу вазифани амалга ошириш учун, биринчи навбатда, автомобилсозлик, самолётсозлик, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, электротехника, енгил саноат, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа юқори технологияли тармоқларда катта имкониятлар мавжуд.

**Бешинчидан,** барчамизга яхши аёнки, бизнеснинг муваффақияти бозор иқтисодиёти институтлари, хусусан, юксак профессионал даражадаги мустақил аудитни, суғуртанинг замонавий шаклларини ва молиявий хизматларнинг бошқа турларини кенг ривожлантиришга бевосита боғлиқ.

Ана шу институтларни ривожлантириш учун юртимизда тегишли ҳуқуқий асос яратилган, аммо бу борадаги чора-тадбирларни амалга оширишда сусткашлик ва юзаки қарашларга йўл қўйилмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, бизни аудит тизимининг ҳозирги аҳволи қониқтирмайди, чунки у ҳали-бери бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг зарур воситасига айлангани йўқ. Бу сектор шунчаки расмиятчилик учун ишламоқда ва ҳозирги кунга қадар молия бозорида етарли ишонч қозона олмаяпти.

Бизнесни суғурталаш соҳасидаги ишлар ҳам мутлақо қониқарсиз аҳволда. Мамлакатимиз суғурта компаниялари, маблағи ва тажрибаси етиш-



www.ziyouz.com kurubxonasi

маслиги туфайли, ҳозирги вақтда тижорат шартномаларининг аксарият турларини суғуртавий таъминлаш, жумладан, экспорт кредитларини кафолатлаш имконига эга эмас. Бундай ҳолат экспорт ҳажми ва кўламига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Молия вазирлиги нафақат ушбу секторлардаги аҳволни танқидий баҳолаши, балки бутун молиявий инфратузилмалар фаолияти самарадорлигини чуқур ўрганиб чиқиши ва бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига ўз таклифларини киритиши зарур.

**Учинчи энг муҳим устувор йўналиш — бу, хорижий инвестицияларни, биринчи галда, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасидаги ишларимизни ҳар томонлама кучайтиришдан иборат.**

Юртимизда яратилган қулай имтиёз ва преференциялар тизими туфайли 2006 йил ҳолатига иқтисодиётимизга жами 20 миллиард АҚШ долларидан зиёд миқдордаги хорижий инвестиция жалб этилди. Тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми эса фақатгина 2000—2006 йиллар мобайнида 9,3 марта ошди ва 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш — бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, айни пайтда — бу, аввало, янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноу-хауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Энг муҳими, четдан имтиёзли сармояларни олиб келиш — бу пировард натижада мамлакатимизда рақобатга бардошли, кучли иқтисодиётни барпо этиш ва жаҳон бозорида ўз муносиб ўрнимизни эгаллашга қодир бўлиш демакдир. Ўйлайманки, бугунги кунда бу ҳақиқатни ҳеч кимга исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқдир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқими — бу, чет эллик шерикларимиз республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги демократик ва бозор ислоҳотларининг тўғрилиги ҳамда самарадорлигини тан олгани, уларнинг биз билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканининг яна бир тасдиғидир.

Ўз-ўзидан аёнки, ҳеч қайси ўзига ишонган хорижий компания, айниқса хусусий компания чуқур ислоҳотлар амалга оширилмаётган, сармоя киритишнинг зарур кафолат ва истиқболлари мавжуд бўлмаган бозорга қадам босмайди.

Бу эса бизнинг зиммамизга хорижий инвестициялар учун имкон қадар кўп қулайлик яратилган муҳитни шакллантириш масалалари билан мунтазам ва атрофлича шуғулланиш вазифасини юклайди.

Барчамизга маълумки, 2007 йил учун Инвестиция дастури тасдиқланди. Бу дастурда реал иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқлари ва ижтимоий соҳада йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, қиймати 3 миллиард 950 миллион АҚШ долларига тенг бўлган инвестиция маблағларини ўзлаштириш кўзда тутилган.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Ушбу дастур доирасида 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда хорижий инвестициялар жалб этилиши мўлжалланмоқда.

Бу маблағнинг салкам 700 миллион доллари ёки қарийб 68 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этади. Хорижий инвесторлар билан ҳамкорликда жорий йилда 80 га яқин инвестиция лойиҳаси амалга оширилади, улар бугунги кунда зарур шартномалар ва молиявий манбалар билан таъминланган.

Бу лойиҳаларнинг барчасини санаб ўтирмасдан, фақат энг йирикларини айтиб ўтмоқчиман.

Булар — Хонжиза ва Учқулоч конларида ҳамкорликда полиметалл рудалар қазиб олиш, Устюрт минтақаси ва Орол денгизида ҳамда бошқа инвестиция киритилаётган ҳудудларда нефть ва газ бўйича геология-қидирув ишларини амалга ошириш, углеводород хом ашёсининг истиқболли конларини ўзлаштиришни давом эттириш, «Тошкент—Ангрен» темир йўл линиясини электрлаштириш, 16 та енгил саноат корхонасини техник қайта жиҳозлаш, Сургил конидан олинадиган хом ашё негизида полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ташкил этиш, уяли алоқа тармоғини кенгайтиришга қаратилган лойиҳаларни рўёбга чиқариш, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Бухоро, Самарқанд, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларидаги ичимлик суви билан таъминлаш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек, бошқа бир қатор лойиҳалардан иборат.

Иқтисодиётимизнинг энг муҳим, аввало, етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва техник



www.ziyouz.com kurubxonasi

жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида ўтган йили Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тузилганидан барчангиз яхши хабардорсиз.

Мазкур жамғарманинг устав капиталини 1 миллиард АҚШ доллари миқдорида шакллантириш белгиланган эди.

2007 йилнинг 1 январигача жамғарманинг устав капиталига 500 миллион доллар маблағ жалб этилди.

Жамғарманинг асосий вазифаси фақат маблағларни жамлаш ҳамда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга молик муҳим лойиҳаларни молиялаштириш билан чекланмайди, балки хорижий инвесторлар — чет эл компаниялари, банклари, халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ўзаро тенг шартларда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни ҳам ўз ичига олади.

Ишончим комилки, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ривожлангани сари унинг истиқболи кенгайиб боради, иқтисодиётимизни модернизация қилишдаги ўрни ва аҳамияти эса ҳар томонлама ошади.

Айни вақтда шуни тан олиш керакки, республикамизда иқтисодиётимизга инвестиция киритиш салоҳиятига эга бўлган чет эллик инвесторлар билан талаб даражасида иш олиб борилмаяпти.

Авваламбор, улар Ўзбекистондаги сармоя ётқизиш учун мавжуд бўлган катта имкониятлар, шунингдек, инвесторлар учун яратилган ҳар томонлама кенг, қулай шарт-шароит ва кафолат-



www.ziyouz.com kurubxonasi

лар бўйича зарур, керакли информация ва маълумотга эга бўла олмаяпти.

Шу маънода, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳузурида янги ташкил этилган Хорижий инвестицияларни ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги — «Ўзинфоинвест»дан умидимиз катта. Мазкур агентлик хорижий ишбилармон доираларни республикамиздаги мавжуд инвестиция муҳити ҳақида атрофлича ахборот билан таъминлаб қолмасдан, уларга лойиҳаларни амалга ошириш борасида ҳам ҳар томонлама кўмаклашади.

**2007 йилда алоҳида эътибор талаб қиладиган яна бир устувор вазифа — бу иш ҳақи миқдорини ва аҳоли турмуш даражасини изчил ошириб боришни таъминлашдан иборат.**

Бу вазифанинг ечими мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида наинки улкан ижтимоий аҳамиятга эга, айни пайтда юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳал қилувчи омили, десак, ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўз-ўзидан равшанки, иш ҳақининг ҳар қандай оширилиши кўплаб омил ва сабабларга, биринчи навбатда, иқтисодий тараққиёт самарадорлигига, корхоналар, бутун мамлакат молиявий барқарорлигининг ўсишига, пул муомаласининг мутаносиблиги ва миллий валютамиз — сўм курсининг барқарорлигига бевосита боғлиқ.

Реал иш ҳақининг ошиши истеъмол товарлари, ички бозоримизнинг харидоргир, сифатли маҳсулотларга тўлдирилиши ва энг муҳими, инфляция даражаси билан узвий боғлиқ. Акс ҳолда,



www.ziyouz.com kurubxonasi

нарх-навонинг кўтарилиши иш ҳақининг ҳар қандай оширилишини йўққа чиқариши мумкин.

Лўнда қилиб айтганда, реал иш ҳақининг ошиши — бу иқтисодиётнинг қандай суръатларда ривожланаётганини, мамлакатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланаётганини, мутаносиб монетар сиёсат қандай таъминланаётганини яққол акс эттирадиган ўзига хос кўзгу ва кўрсаткичдир.

Статистик маълумотлар ва социологик тадқиқотлар натижаларига кўра, мамлакатимизда 2006 йилнинг охирида ўртача реал ойлик иш ҳақи 185 минг сўмни ёки салкам 150 АҚШ долларини ташкил этган.

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожи учун мустаҳкам ва барқарор пойдевор яратилганини ҳамда шаклланиб бораётган тенденцияларни инобатга олган ҳолда, биз ўз олдимизга 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида учдан бир миқдорда, 2010 йилга бориб эса, яъни яқин уч йил давомида уни 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқдамиз.

Табиийки, шунга мос равишда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига тўланадиган бошқа хил тўловлар миқдори ҳам ўсиб боради.

Албатта, бу вазифа, бу марра нечоғлиқ мураккаб эканини биз яхши англаймиз. Айни пайтда бу ҳар томонлама асосланган ва ҳал этиладиган вазифа эканини таъкидламоқчиман.

Ўз навбатида иш ҳақининг муттасил ошиб бориши аҳоли истеъмол талабининг ўсишида кучли омил бўлишини, бу эса иқтисодиётимизда ишлаб чиқариш ҳажмларининг келажакда янада ор-



www.ziyouz.com kurubxonasi

тишини рағбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутмоғимиз керак.

**Бешинчи энг муҳим устувор масала — бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этишдан иборат.**

Биз кичик бизнесни ривожлантириш асосида бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган учта вазифани олдимизга қўямиз.

**Биринчидан,** жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдирадиган, иқтисодиётнинг таркибий негизини белгилаб берадиган энг муҳим сектор ҳисобланади, шунингдек, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг даромадларини оширишда энг асосий омил ва манба бўлиб хизмат қилади.

**Иккинчидан,** ҳозирги шароитда жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобат кескинлашиб бораётгани ҳаммамизга аён. Айнан кичик бизнес ўзининг ҳаракатчанлиги, кам сармоя талаб қилиши ҳисобидан ишлаб чиқаришни енгилроқ ва тез модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини янгилаш имкониятига эга экани ва шу тариқа бозор конъюнктурасининг ўзгарувчан талабларига яхши мослаша олиши билан эътиборлидир.

**Учинчидан,** кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг моҳияти ҳақида гапирар эканмиз, бу борада ўта муҳим бир масалани эътиборимиздан четда қолдирмаслик керак.

Кичик бизнес ва тадбиркорлик ўсиши билан биз мамлакатимизда таянчимиз ва суянчимиз



www.ziyouz.com kurubxonasi

бўлмиш мулкдорлар ўрта синфини шакллантириш вазифасини бевосита ҳал қилишга эришамиз. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз ва ўзимизга яхши тасаввур этишимиз лозим.

Бир сўз билан айтганда — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланмоқда.

Айни пайтда у иқтисодиётни изчил ривожлантиришнинг энг муҳим омили, жамиятимиз ижтимоий ва сиёсий барқарорлигининг кафолати, мамлакатимизни тараққиёт йўлидан олға етаклайдиган фаол ҳаракатлантирувчи куч сифатида намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш йўлида кўп иш қилинди.

Юқорида айтилганидек, давлатнинг бизнес фаолиятига аралашуви кескин чекланди, кичик бизнес субъектларини рўйхатга олиш жараёни сезиларли даражада соддалаштирилди ва уларнинг ошкоралиги таъминланди, солиқ ставкалари унификация қилинди ва камайтирилди, маҳсулотларни стандартлаш ва сертификациялаш тизими такомиллаштирилди, биржа савдоларини ривожлантириш орқали тадбиркорларнинг моддий-техник ресурслардан эркин фойдаланиши билан боғлиқ кўп масалалар ҳал қилинди, микрокредитлаш ва микролизинг йўли билан тадбиркорларга кредит беришнинг янги шакллари жорий этилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, буларнинг барчаси ўзининг ижобий натижасини берди. Фақат 2006



www.ziyouz.com kurubxonasi

йилнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида қўшимча равишда 290 минг янги иш ўрни яратилди, бу эса мамлакатимизда очилган янги иш жойларининг 50 фоиздан ортиғини ташкил этади.

2007 йилнинг бошида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони қарийб 350 мингтага етди ёки 2000 йилдагига нисбатан 2,3 марта кўпайди. Бугунги кунда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 42,1 фоизни ташкил этмоқда.

Шулар билан бирга, биз бугунги кунда кичик бизнеснинг мавжуд салоҳиятини тўла намоён қила олмаётганимиз, уни етарлича ишга сололмаётганимизни қайд этишга мажбурмиз. Бугун кичик бизнеснинг техник жиҳозланиш даражаси, унинг таркибий тузилмаси, хусусий тадбиркорликнинг ривожланган саноат соҳасидаги ўрни бизни қониқтирмайди.

Ҳозирги кунда машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айниқса, трикотаж, тикувчилик буюмлари, пойабзал каби тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳалар, шунингдек, қурилиш материаллари саноатида кичик бизнеснинг ўрни ва улуши мутлақо етарли даражада эмас.

Бунинг учун, биринчи галда, маҳаллий ҳокимият органлари — туман, шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари масъул бўлиши керак. Айни вақтда, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларидан ҳам кичик бизнесни ривожлантириш учун нималар қилаётганини қатъий сўраш вақти келди, деб ўйлайман.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Бу борадаги бизнинг доимий вазифамиз — мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ўрни ва роли изчил ўсишини таъминлаш, 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоизга, 2010 йилда эса 50-52 фоизга етказишдан иборат.

Биз кичик бизнес таркибини, авваламбор, унинг техник ва технологик тузилмасини яхшилаш масаласини кун тартибига кескин қилиб қўйишимиз даркор.

Бу ўринда гап хом ашёни бирламчи қайта ишлайдиган оддий ишлаб чиқаришдан юксак технологик ишлаб чиқаришга ўтиш зарурати ҳақида бормоқда. Бу жараён ички бозордаги талаб ва маҳсулот экспортини кенгайтиришга йўналтирилиши лозим.

Бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорлик маҳсулотлари мамлакатимиздаги умумий экспорт ҳажмининг атиги 11 фоизини ташкил этиши мутлақо номақбул ҳолат, деб ҳисоблайман.

Ўзининг кичик корхонасини очаётган тадбиркорлар биринчи галда корхонани замонавий ускуналар, бозор талабига қараб тез ўзгартириш мумкин бўлган ихчам технологиялар билан жиҳозлашга эътибор қаратиши, рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириши керак.

Бугун кичик бизнес соҳасида юксак профессионализм ва интеллектуал салоҳиятга асосланган меҳнатни тобора кенг қўллаш, фан ва техниканинг илғор ютуқларини фаол жорий этиш энг зарур ва долзарб масала бўлиб турибди.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда бу масалалар юзасидан ҳукумат қарорини тайёрлаш ва қабул қилиш вазифаси топширилади.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

**Банк-молия тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш бўйича қуйидаги устувор вазифаларга эътиборингизни қаратмоқчиман.**

Сўнгги йилларда банк тизимида муайян ижобий ўзгаришлар рўй берди — бугун жами банк капитали 1 триллион сўмдан ошади ва у 2000 йилга нисбатан 7,4 марта ўсди, банк муассасалари тармоғи икки баробардан зиёд кўпайди.

Микрокредитбанк ташкил этилди ва у ўтган қисқа давр ичида кичик бизнес субъектларига 25 миллиард сўмдан ортиқ микрокредитлар ажратди. Минибанклар тармоғи жадал ривожланмоқда, уларнинг сони бугунги кунда 1800 тадан ортади.

Факторинг ва лизинг хизматлари каби банк хизматларининг янги турлари ўзлаштирилмоқда. Аккредитивлар бўйича хизматлар, пластик карточкалар ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш, истеъмол кредитлари ажратиш, омонатларнинг эътиборни тортадиган янги турларини жорий этиш ва бошқа хизматлар яхши йўлга қўйилмоқда.

Шу билан бирга, бу соҳада жиддий ташвиш уйғотадиган кўпгина масала ва муаммолар ҳалибери ўз ечимини топмасдан қолмоқда.

Капиталлашув даражасининг пастлиги ҳанузгача сақланиб қолмоқда, банк хизматлари бозорида деярли рақобат йўқ.



www.ziyouz.com kurubxonasi

Аксарият тижорат банклари, асосан, қисқа муддатли товар кредитлари ажратиш билан чекланиб қолмоқда ва инвестиция жараёнларида деярли иштирок этмаяпти.

Мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилаётган инвестицияларнинг умумий ҳажмида тижорат банкларининг ўз капитали улуши атиги 5 фоизни ташкил этишини қандай баҳолаш мумкин?

Ҳолбуки, банклар молия-саноат гуруҳлари ташкил этишнинг ташаббускори ва фаол иштирокчиси бўлиши даркор. Марказий банк Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, бошқа манфаатдор хўжалик бирлашмалари, идоралар, корхоналар билан биргаликда амалдаги қонунчиликни танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқиши ва бу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ ва амалий таклифлар киритиши керак.

Бугунги кунда банк тизимини ислоҳ қилиш борасидаги энг муҳим вазифалар — банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, мижозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин.

Ҳеч шубҳасиз, банклар ҳал қилиши лозим бўлган асосий вазифалардан яна бири — нақд



www.ziyouz.com kurubxonasi

пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини янада қисқартириш бўйича амалий чоралар кўришдан иборат.

Одамларнинг банкларга бўлган ишончини ошириш, уларни ишончли ҳамкор деб қарашига эришиш учун мунтазам равишда иш олиб бориш даркор.

Бу борада ҳар бир банк қатъий амал қилиши шарт бўлган асосий талаб шуки, мижоз қачон мурожаат қилмасин, банк уни нақд пул билан таъминлаши лозим. Бу ҳар бир банк, унинг ҳар бир бўлими ва филиали учун асосий қоида бўлиши зарур.

**Бизнинг доимий эътиборимизни талаб қиладиган еттинчи устувор йўналиш — бу коммунал хўжалик соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ.**

Шу мақсадда уй-жой коммунал хўжалигида рўй бераётган жараёнларни яна ва яна бир бор танқидий баҳолаб, барчамиз учун муҳим ҳаётий аҳамиятга эга бўлган ушбу соҳада ҳамон сақланиб қолаётган жиддий муаммоларнинг илдизига етиш ва уларни бартараф қилиш зарур.

Бу борада қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси, «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тўлиқ амал қилинишига эришишимиз даркор.

Ширкатлар билан уларга коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган корхоналар ўртасидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва янада мустаҳкамлаш, аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг



www.ziyouz.com kurubxonasi

сифати учун ҳар икки томоннинг масъулиятини ошириш лозим.

Битта ширкат томонидан хизмат кўрсатиладиган уйлар сонини энг мақбул ҳолга келтириш бўйича бошланган ишларни ниҳоясига етказиш керак. Токи улар тураржойларни эксплуатация қилиш ва сақлаш муаммоларини ҳал этиш билан аниқ ва бевосита шуғулланиш имкониятига эга бўлсин.

Шунингдек, иссиқлик билан таъминлаш ва уни бошқаришнинг бутун тизимини кескин ўзгартириш даркор. Маълумки, бу масалада мавжуд қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқларининг техник ҳолати энг заиф бўғин ҳисобланади.

Муқобил ёқилғи манбаларидан фойдаланган ҳолда, локал иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти тизимларига босқичма-босқич ўтишни таъминлаш ҳамда эскирган, ёқилғини кўп сарф қиладиган қозонхоналарни табиий газни тежаб сарфлайдиган ускуналарга алмаштириш масалаларини ечиш учун чуқур ўйлаб иш олиб бориш керак.

Иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларининг масъулиятини ошириш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш бўйича пухта ва аниқ ўйланган механизмни жорий этиш масаласи бугунги кунда принципиал муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу соҳа учун жавоб берадиган тузилмалар фаолиятини баҳолашда, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини белгилашда истеъмолчилар, биринчи навбатда, шаҳар ва посёлкалар аҳолиси иссиқлик ва сув билан қанчалик узлуксиз ва энг



www.ziyouz.com kurubxonasi

муҳими, сифатли таъминлангани асосий мезон бўлмоғи керак.

Бу масалада сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари, маҳаллий ҳокимият органлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг роли ва масъулиятини белгилаб қўйиш лозим, токи уларнинг ҳар биридан аниқ жавоб талаб қилиш мумкин бўлсин.

Ҳукумат манфаатдор тузилмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда коммунал соҳадагиислоҳотларни изчил давом эттириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий қилиш ва бошқариш тизимини такомиллаштириш, қозонхоналар, иссиқлик ва сув таъминоти ҳамда оқава тизимларини модернизациялаш бўйича дастур ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Азиз дўстлар!

Ҳар бир йил мамлакатимиз тарихида, халқимиз ҳаётида ёрқин ва ўчмас из қолдирмоқда, десам, ўйлайманки, ҳаммангиз бу фикрга қўшиласиз.

Шу маънода, 2007 йилнинг юртимизда Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани алоҳида мазмун ва аҳамият касб этади. **Бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади — халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.**

**Ана шу юксак марраларга эришиш учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаро-**



www.ziyouz.com kurubxonasi

**лик жамияти асосларини қуриш,** бир сўз билан айтганда, ҳақиқатан ҳам ҳеч кимдан кам бўлмайдиган ҳаёт барпо этиш учун ўзимизнинг куч-қувват ва ҳаракатларимизни аямаслигимиз керак. Энг муҳими, юртимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш олдимизда турган барча вазифаларни амалга оширишда энг катта пойдевор бўлишини унутмаслигимиз зарур.

Сўзимни якунлар эканман, мана шу йўлда сизларга ва сиз орқали бутун халқимизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.



www.ziyouz.com kurubxonasi

## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралдаги «2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида»ги мажлисининг 1-протоколига мувофиқ тайёрланадиган қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари
## Р Ў Й Х А Т И



| № | 2007 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишнинг мақсадли вазифалари ва асосий йўналишлари | Тақдим этиш муддати | Ижро учун масъуллар | Тайёрланадиган ҳужжатларнинг қисқача мазмуни |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| **I. Қонун ҳужжатлари лойиҳалари** | | | | |
| **I.1. Янги қонунлар лойиҳалари** | | | | |
| | Амалдаги рухсатнома бериш жараёнлари тизимини, ушбу жараёнларни амалга оширадиган органлар рўйхатини таҳлил қилиш, шунингдек, рухсатнома берувчи | 2007 йил 15 майгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов), Адлия | Қонун лойиҳасида рухсатнома бериш жараёни тушунчасини ва рухсатнома бериш жараёнларининг асосий принципларини аниқ шакллантириш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | ҳужжатлар турлари, уларнинг қонунийлигини танқидий баҳолаш.<br>Бериладиган барча турдаги рухсатномаларни уларга асос бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кўрсатган ҳолда, ушбу рухсатномалар турларининг аниқ рўйхатини тайёрлаш.<br>Тегишли асосларга кўра рухсатнома бериш жараёнларининг истисно қилиш учун таклиф этиладиган турлари рўйхатини тузиш.<br>"Рухсатнома бериш жараёнлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш (Протоколнинг 14-банди). | | вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси | Рухсатнома бериш жараёнларини амалга ошириш ҳуқуқига эга давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг конкрет рўйхатини ва уларнинг мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш.<br>Рухсатнома бериш жараёнларини амалга оширишнинг аниқ тартиби ва муддатини ўрнатиш.<br>Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан айрим фаолият турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш. |
| 2 | Молия-саноат гуруҳлари фаолияти бўйича жаҳон тажрибаси ва амалиётини чуқур ўрганиш асосида тижорат банкларининг молия-саноат гуруҳларини ташкил этиш | 2007 йил июнь | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов), | Молия-саноат гуруҳларини (МСГ) ташкил этиш мақсадлари, банк ва саноат капиталини бирлаштиришнинг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий шартлари, |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳамда уларнинг фаолиятида кенг иштирок этиш учун ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган **"Молия-саноат гуруҳлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини** тайёрлаш (23-банд). | | Марказий банк, Адлия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси | МСГ устав капиталини шакллантиришда молия ва саноат тузилмаларининг иштироки, МСГни ташкил этиш ва тугатиш тартиби, уларни бошқариш механизми, тижорат банкларининг нафақат корхоналарни молиялаш ва уларга кредит ажратишда, балки бевосита бошқаришда иштироки аниқ белгиланиши шарт бўлган қонун концепциясини шакллантириш. |
| | **I.2. Амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш:** | | | |
| 3 | Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш, халқаро тажрибани ўрганиш, давлат назорат органларининг хўжалик юритувчи корхоналар фаолиятига ҳар қандай **ноқонуний аралашувини** истисно қилишга доир аниқ **таклифлар** тайёрлаш ва Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодексига тегишли ўзгартишлар киритиш (20-банд). | 2007 йил 25 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси<br><br>Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, | Тадбиркор бирон-бир давлат амалдори ёки текширувчи орган унинг мол-мулки ва бизнесига тажовуз қилиш ҳуқуқига эга эмаслигига ишонч ҳосил қилиши учун тадбиркорлик субъектларининг хўжалик юритиш фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун жавобгарликни кучайтириш чора-тадбирларини кўриш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | | | Савдо-саноат палатаси, Бош прокуратура | Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашиш, яъни тадбиркорлик субъектини рўйхатга олиш, лицензия беришдан ноқонуний бош тортиш, банкларда ҳисобрақами очишга оид белгиланган тартибни бузиш, фаолиятни ноқонуний тўхтатиш, қўшимча ҳисобот маълумотларини талаб қилиш ёки фаолиятни бошқа йўсинда ноқонуний чеклаганлик учун маъмурий тартибда ундириладиган жарима санкциялари миқдорини ошириш билан бир қаторда мансабдор шахсларнинг жиноий жавобгарлигини жорий этиш. |
| 4 | Сифатсиз спирт ва спиртли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва Ўзбекистонга олиб кириш учун амалдаги жавобгарлик чораларини танқидий баҳолаш, Жиноят ко- | 2007 йил 25 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Адлия вазирлиги, Бош | Жарима миқдорини икки бараварга (энг кам иш ҳақининг 200 дан 400 бараваригача) ёки ахлоқ тузатиш ишларини уч йилгача ёхуд озодликдан маҳрум этиш |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | дексига ушбу жавобгарлик чораларини кучайтирадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш (16-банд). | | прокуратура, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси | муддатини беш йилгача (аввал уч йилгача эди) ошириш. Бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан келишилган ҳолда такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилган ана шундай хатти-ҳаракатлар учун энг кам иш ҳақининг 400 дан 600 бараваригача жарима тўлаш, (200 дан 400 бараваргача бўлган) ёхуд 5 йилдан 7 йилгача (3 йилдан 7 йилгача бўлган) озодликдан маҳрум этиш жазо чорасини белгилаш. |
| 5 | Иш билан банд бўлмаган аҳоли тоифасига киритиш мезонларини танқидий кўриб чиқиш, минтақавий ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда шахсларнинг ушбу тоифасини аниқ белгилаш, ўзгартишлар ва қўшимчалар бўйича амалдаги қонунчиликка тегишли таклифлар киритиш. Иш билан банд бўлмаган аҳоли | 2007 йил 25 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, | Иш билан банд бўлмаган, иш билан таъминланишга муҳтож аҳоли тоифасига кирадиган фуқаролар таркибини аниқ белгилаш. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ХМТ томонидан белгиланган стандартларга мувофиқ аниқлаш услубини жорий этиш. Ишлаб чиқилган услубдан келиб |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | сонини ҳисобга олиш ва аниқлаш механизмини батафсил кўриб чиқиш, Халқаро меҳнат ташкилотининг (ХМТ) иш билан таъминланишга муҳтож шахсларни реал баҳолашни таъминлайдиган стандартларини ҳисобга олган ҳолда, иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартишлар киритиш.<br>Иш билан банд бўлмаган, иш билан таъминланишга муҳтож аҳолини ҳудудлар хусусиятини ҳисобга олган ҳолда аниқлаш услубини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш (18-банд). | | Статистика давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги | чиққан ҳолда, иш билан банд бўлмаган аҳолини ҳудудлар бўйича аниқлаш.<br>Аҳоли бандлигини ҳисобга олишга қаратилган қўшимча меъёр ва чораларни жорий этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, шунингдек, аҳоли бандлиги бўйича ҳудудий мақсадли дастурлар бажарилиши мониторингини олиб бориш. |
| 6 | Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича амалдаги қонунчиликни чуқур ва танқидий таҳлил қилиш, белгиланган ҳуқуқий меъёрларнинг қайси қисмла- | 2007 йил 25 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Адлия вазирлиги, Молия | Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган янги қонуний меъёрлар ва ҳуқуқий ҳужжатлар тайёрлаш.<br>Жойларда икки кун ичида хабар |

www.ziyouz.com kurubxonasi

5—07-64


| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ри ва қандай сабабларга кўра амалда қўлланилмаётганини аниқлаш, ушбу қонунчиликни янада мустаҳкамлашга доир аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Хусусий бизнес ҳуқуқлари ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш учун қўшимча ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши лозим бўлган янги қонун меъёрлари ҳамда ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхатини аниқлаш.<br>Икки кун ичида хабар қилиш асосида бизнесни рўйхатга олиш тизими қандай амалга оширилаётганини танқидий баҳолаш ва унинг сўзсиз бажарилиши бўйича аниқ чоралар кўриш (14-банд). | | вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси | бериш асосида бизнесни рўйхатга олишни таъминлашга доир талаб ва таклифларни сўзсиз амалга ошириш, маҳаллий ҳокимият органлари ҳамда юридик тузилмалар ходимлари томонидан белгиланган меъёрлар бажарилиши учун жавобгарликни ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. |
| 7 | Тадбиркорлик олиб бориш учун рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турлари рўйхатини таҳлил қилиш.<br>Таҳлил асосида лицензия талаб | 2007 йил 12 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов), Адлия | Тадбиркорлик олиб бориш учун махсус рухсатнома (лицензия) талаб этиладиган фаолият турларини аниқлаш.<br>Лицензиялаш тизими бекор қи- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | қилинмайдиган фаолият турлари рўйхатини аниқлаш. Лицензия бериладиган фаолият турлари рўйхатининг қисқартирилиши сабабли айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш (14-банд). | | вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси | линадиган фаолият турларини аниқлаш. Махсус рухсатномалар (лицензиялар) бериш тартибини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш. Лицензия берадиган органлар рўйхати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш. Айрим фаолият турларини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартишлар киритиш. |
| **II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарор лойиҳалари** | | | | |
| **II.1. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари лойиҳалари:** | | | | |
| 8 | Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилашни рағбатлантиришга қаратилган амалдаги солиқ имтиёзлари ва преференцияларни танқидий ўрганиш. | 2007 йил 12 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт | Қуйидагилар кўзда тутилсин: хўжалик юритувчи субъектларга тегишли ҳисобот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан уч йил давомида даромад |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Ишлаб чиқаришни мунтазам модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича самарали рағбатлар тизимини ишлаб чиқиш, қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари рўйхатини, уларни қўллаш шартларини белгилаш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонининг тегишли лойиҳасини тайёрлаш (7-банд). | | вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси | солиғи бўйича солиққа тортиладиган базани ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, қайд этилган мақсадларга ажратилган кредитларни қайтариш, лизинг объекти қийматини қоплаш учун йўналтирилган маблағ миқдоригача камайтириш ҳуқуқини бериш;<br>янги ишга туширилган технологик ускунадан фойдаланишда мулк солиғидан беш йил муддатга озод этиш;<br>беш йил мобайнида микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўловчи бўйича солиққа тортиладиган базасини харид қилинган янги технологик ускуна қийматига камайтириш, бироқ бу кўрсаткич солиққа тортиладиган базанинг 25 фоизидан ошмаслиги керак. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| 9 | Аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларнинг амалга оширилишига баҳо бериш, кўзда тутилган тадбирларни бажариш ва бандлик даражасини оширишга халақит бераётган сабаб ва омилларни аниқлаш, айниқса, бандлик даражасини янада ўстирадиган ва катта капитал харажатларни талаб қилмайдиган янги истиқболли шаклларини жорий этиш ҳисобидан бандлик турларини кенгайтириш бўйича вилоят ҳамда туманлар миқёсида аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Жойларда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини танқидий ўрганиш, уларнинг тузилмаларини такомиллаштириш ва иш билан бандлик ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифала- | 2007 йил 30 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Адлия вазирлиги | Аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг ҳал қилувчи омили бўлган бандлик даражасини ошириш учун зарур шароитлар яратиш.<br>Туман, шаҳар ва вилоятлар бўйича муайян вазифаларни ўз ичига олувчи, бандликнинг янги истиқболли шаклларини, айниқса, кичик бизнес ва хизматлар соҳасини кенг жорий этиш, касаначилик амалиётини кенгайтириш, оилавий тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларини ривожлантириш ҳисобидан иш билан бандликни кенгайтиришга доир чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.<br>Касаначилик асосида иш ўринларини ташкил этадиган йирик саноат корхоналари учун белгиланган имтиёзлар ва преференцияларни иқтисодиёт бошқа |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | рини ҳимоя қилиш масалаларини ҳал этишда жавобгарлигини оширишга доир аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Меҳнат билан бандликни кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони лойиҳасини тайёрлаш (18-банд). | | | тармоқларининг йирик корхоналари, шунингдек, саноат йўналишидаги кичик корхоналарга ҳам жорий этиш.<br>Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг органлари тузилмаларини такомиллаштириш, бир-бирини такрорловчи бўғин ҳамда вазифаларини тугатиш.<br>Туман ва шаҳарларда меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича туманлар (шаҳарлар) органлари негизида йирик маҳаллаларда аҳолини иш билан таъминлаш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича доимий пунктларни ўз ичига оладиган Бандликка кўмаклашиш марказларини ташкил этиш.<br>Касб-ҳунар коллежлари базасида ўқитиш ва ихтисосни ўзгар- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | | | | тириш бўйича қисқа муддатли дастурларни амалга ошириш ҳисобидан меҳнат органлари томонидан иш излаётган шахсларга кўрсатиладиган хизматлар кўламини кенгайтириш ҳамда сифатини ошириш, аҳолини ишга жойлашиш имкониятлари тўғрисида хабардор қилиш тизимини яхшилаш. |
| 10 | Иқтисодиёт тармоқлари ва молиялаш манбалари бўйича ўртача иш ҳақининг ўсишини инфляция даражаси ҳамда иш унумдорлигининг ошиши билан боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш.<br>Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига бошқа тўловлар миқдорини тегишли равишда кўпайтирган ҳолда 2010 йилга бориб, ўртача иш ҳақини 2,5 баравар оширишга доир йилма-йил | 2007 йил 30 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк | 2010 йилгача бюджет ташкилотлари ходимларининг ўртача иш ҳақи, тегишли ижтимоий тўловлар ва нафақаларни йилларга бўлган ҳолда 2,5 баравар ошириш бўйича харажатларни қоплаш учун бюджет маблағларига бўлган эҳтиёж ҳисоб-китобини тайёрлаш.<br>Хўжалик юритувчи субъектларнинг иш унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ ҳолда иш |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ҳисоб-китобни амалга ошириш, тегишли таклифларни тайёрлаш ва белгиланган тартибда киритиш (17-банд). | | | ҳақини янада ошириш учун молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини ҳисоб-китоб қилиш.<br>Қўшимча ишлаб топиладиган ва корхоналарда қоладиган молиявий ресурсларни иш ҳақини оширишга йўналтириш имконини берадиган, шунингдек, яширин тўловлар миқдорини камайтиришни таъминлайдиган қўшимча солиқ рағбатлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. |
| **II.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор лойиҳалари:** | | | | |
| 11 | Кичик бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ ишлар аҳволини танқидий баҳолаш, кичик бизнес, авваламбор, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун максимал қулай муҳит яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш. | 2007 йил 15 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат мулки | Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва ролининг изчил ошишини таъминлаш, 2007 йилда унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 45 фоиз, 2010 йилда 50—52 фоизга етказиш.<br>Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни ҳар томонлама |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | Кичик бизнеснинг техник ва технологик тузилмасини такомиллаштириш, кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг техник жиҳозланиш даражасини ошириш, хом ашёга бирламчи ишлов бериш бўйича оддий ишлаб чиқаришдан замонавий ускуналар, ихчам ва мослашувчан технологияли, бозор талаблари ўзгаришига қараб ишлаб чиқаришни тез йўлга қўядиган, ички бозор ҳамда экспортга мўлжалланган сифатли, рақобатбардош маҳсулот тайёрлайдиган юқори технологияли ишлаб чиқаришга ўтиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Кичик бизнес иқтисодиёт тармоқларида, аввало, ривожланган саноат соҳасида (машинасозлик, металлни қайта ишлаш, трикотаж, тикувчилик ва пойафзал саноати, қурилиш материаллари саноати) | | қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | қўллаб-қувватлаш, шу орқали аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини ошириш, ички бозорни зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдириш муаммосини ҳал этиш чора-тадбирларини белгилаш.<br>Кичик бизнесни техник ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш, замонавий ускуналар билан жиҳозланган, сифатли, рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган юқори технологияли ишлаб чиқаришни ташкил этишни рағбатлантириш.<br>Кичик бизнес субъектлари учун доимий фаолият кўрсатадиган мини-технологиялар ҳамда технологик ускуналар кўргазмасини ташкил этиш.<br>Кичик бизнес улуши катта бўлмаган тармоқларни аниқлаш, |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | қандай ўрин эгаллашини танқидий таҳлил қилиш, ушбу тармоқлар тузилмасида унинг улуши ва ролини сезиларли ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>Кичик бизнесда юқори малакали ақлий меҳнатдан самарали фойдаланиш, илм-фан ва техниканинг замонавий ютуқларини кенг татбиқ этиш механизмлари ва омилларини аниқлаш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори лойиҳасини тайёрлаш** (19-банд). | | | ушбу тармоқларни ривожлантиришда кичик бизнеснинг роли ва улушини оширишга доир аниқ чоралар ва мақсадли вазифаларни белгилаш.<br>Кичик бизнес соҳасида юқори технологиялар, замонавий технологик ускуналар, илм-фан ва техника ютуқларини жорий этиш, ақлий меҳнатдан кенг фойдаланиш учун имтиёзлар ва рағбатлар тизимини яратиш.<br>Инновация лойиҳалари ва лойиҳавий таклифлар бўйича кейинчалик уларни кичик корхоналарда жорий этиш учун ҳар йили ярмаркалар уюштириш. |
| 12 | Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхона ва объектлари рўйхатини тузиш (кимё, электр техника саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, қурилиш мате- | 2007 йил 12 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Давлат мулки қўмитаси, | Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги объектлар рўйхатини тубдан кенгайтириш, уларнинг акциялари давлат пакетини, жумладан назорат пакетини иш- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | риаллари саноати ва бошқалар), уларнинг устав жамғармаларида давлат улуши ҳажмини танқидий кўриб чиқиш ва кескин камайтириш ҳамда кимошди савдосига қўйиш, жумладан сармоядорларга модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари билан акцияларнинг назорат пакетини сотиш юзасидан таклифлар тайёрлаш.<br>Барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, лекин фаолият кўрсатмаётган ёки самара бермаётган саноат корхоналарини, қурилиши ниҳоясига етказилмаган объектларни аниқлаш, уларни янги мулкдорлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш бўйича аниқ инвестиция | | Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси | лаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари билан очиқ савдода сотиш.<br>Сармоядорнинг инвестициялар, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларнинг маълум миқдорини ишлаб чиқаришини модернизация қилиш, техник ҳамда технологик янгилашга йўналтириш, сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлаш, унинг камида 50 фоизини экспорт қилиш бўйича мажбурият ҳамда жавобгарлиги акс эттирилиши лозим бўлган акциялар давлат пакетини, жумладан назорат пакетини сотиш учун намунавий шартномани тасдиқлаш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | лойиҳалари ҳамда мажбуриятлари билан стратегик сармоядорларга нолга тенг қиймати бўйича сотиш. **2006-2008 йилларда хусусийлаштириш дастурига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича** таклифлар тайёрлаш (11-банд). | | | Объектларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш бўйича аниқ инвестиция лойиҳалари кўзда тутилган ҳолда нолга тенг харид қийматида сотиш самарадорлигини ошириш. |
| 13 | Корпоратив бошқарувдаги очиқ акционерлик жамиятлари рўйхатини тайёрлаш, уларнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари, бошқарув тизими самарадорлиги, акционерлар йиғилиши, кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари томонидан ўзларига юклатилган вазифаларнинг бажарилишини батафсил таҳлил қилиш.<br>Ўз зиммасига ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган ўрта муддатли ва | 2007 йил 12 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувват- | Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқариш тизимини такомиллаштириш, корпоратив бошқарувнинг кам самарали ва деярли ишламаётган шакл ва услубларидан воз кечиш, корхоналарнинг барқарор ва самарали ишлаши, ишлаб чиқаришнинг техник ва технологик янгиланиши учун хусусий мулкдорларнинг жавобгарлигини ошириш.<br>Янги хусусий мулкдорларни ўз зиммасига хусусийлаштирилган |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | узоқ муддатли инвестиция мажбуриятларини олишга қодир акционерлик жамиятлари алоҳида шахслар ёки мулкдорларнинг чекланган сонига сотилиши лозимлигини белгилаш.<br>Акционерлик жамиятлари негизида, шу жумладан иқтисодий ночор акционерлик жамиятларига нисбатан банкротликни қўллаш орқали хусусий корхоналарни шакллантириш механизмини ишлаб чиқиш.<br>Ишламаётган, илгари хусусийлаштирилган корхоналарни аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари билан янги хусусий мулкдорларга сотиш. | | лаш давлат қўмитаси | корхонани ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ўрта муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятларни олишни шарт қилиб қўядиган шартнома-ҳуқуқ муносабатлари меъёрларини ишлаб чиқиш.<br>Илгари хусусийлаштирилган корхоналар ишламаётган, иқтисодий ночор, бошқарув самарадорлиги паст бўлган ҳолларда уларни хусусий мулк қилиб сотишга рухсат берадиган ҳуқуқий меъёрларни жорий этиш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | 2006—2008 йилларга мўлжалланган Хусусийлаштириш дастури ва амалдаги қонунчиликка тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш (11-банд). | | | |
| 14 | Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини чуқур ўрганиш, уларнинг иш сифати пастлиги сабаблари, мазкур бозор институти ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш.<br>Халқаро аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ўрганиб, Аудиторлик ташкилоти тўғрисида низом, аудитнинг самарадорлигини ошириш, бизнеснинг самарадорлигини баҳолаш механизми сифатида унинг ролини кучайтириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг "**Аудиторлик ташки-** | 2007 йил 30 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С. Азимов), Молия вазирлиги, Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, аудиторлик ташкилотлари | Аудиторлик ташкилоти тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиш.<br>Бизнес самарадорлигининг реал баҳоси аудит давомида белгиланадиган мезонлар ва кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш.<br>Лицензия талаблари ва аудиторлик ташкилотлари фаолияти шартларини қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш.<br>Ўтказилаётган аудит сифати ва берилаётган хулосаларнинг холислиги учун аудиторлик ташкилотларининг жавобгарлигини ошириш бўйича аниқ чораларни белгилаш.<br>Аудиторлик текширувлари си- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | **лотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори лойиҳасини тайёрлаш (21-банд). | | | фатининг ички ва ташқи мажбурий назорати тизимини жорий этиш. |
| 15 | Суғурта хизматлари бозори, айниқса импорт-экспорт операциялари суғурта хизматларининг янада ривожланишига халал бераётган сабабларни аниқлаш.<br>Суғурта хизматлари бозори инфратузилмасини таҳлил қилиш ва профессионал ва бошқа суғурта иштирокчилари ишини, айниқса бизнесни суғурталаш соҳасида фаоллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>Кўрсатилаётган суғурта хизматлари турлари рўйхатини таҳлил қилиш ва уларнинг янги турларини жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш. | 2007 йил 30 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, суғурта ташкилотлари | Суғурта фаолиятини тартибга солувчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базага суғурта ташкилотлари низом жамғармаси минимал ҳажмига талабларни ошириш, уларни шакллантиришда давлатнинг иштирокини камайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш.<br>Рақобатли суғурта хизматлари бозорини шакллантириш, суғурта фаолиятининг аниқ йўналишлари ва тижорат битимларининг кўплаб турларини таваккалдан суғурталашни таъминлайдиган, шу жумладан экспорт кредитларини кафолатлайдиган |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"**ги қарори лойиҳасини тайёрлаш (21-банд). | | | янги турларини белгилаш.<br>Суғурта бозорини тартибга солиш услубларини янада такомиллаштириш.<br>Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг 2007—2010 йилларга мўлжалланган аниқ Дастурини тасдиқлаш, унда суғурта хизматлари ҳажмини 3 марта, суғурталовчилар суғурта захираларини 2,5 мартадан ортиқ, суғурта компаниялари умумий капиталини 2 мартадан ортиқ кўпайтиришни кўзда тутиш. |
| 16 | Уй-жой коммунал хўжалигида кечаётган жараёнларни танқидий баҳолаш, мавжуд жиддий муаммоларни аниқлаш.<br>ХУМШ ҳамда коммунал ва таъмирлаш-қурилиш хизматлари кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги шартнома-ҳуқуқий муносабат- | 2007 йил 30 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Н.М.Хонов, Р.С.Азимов ), Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, | Уй-жой кодекси, “Хусусий уй-жой эгалари ширкатлари тўғрисида”ги Қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қоидаларини тўлиқ амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаш.<br>Битта ХУМШ томонидан хизмат |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | ларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлаш, кўрсатилаётган хизматлар сифати учун уларнинг жавобгарлигини ошириш.<br>Иссиқлик ва сув таъминоти корхоналари ходимларини рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш бўйича пухта ўйланган механизмни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини шаҳар ва посёлкалар аҳолиси иссиқлик ва сув билан қай даражада узлуксиз ва сифатли таъминланаётгани билан бевосита боғлаш.<br>Коммунал соҳани янада ислоҳ қилиш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш, қозон агрегатлари ва иссиқлик таъминоти, сув таъминоти ва | | "Ўзкоммун-хизмат" агентлиги, "Саноатконтех назорат" давлат инспекцияси, "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзтрансгаз" АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | кўрсатиладиган уйлар сонини оптималлаштириш бўйича бошланган ишларни якунига етказиш.<br>Коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича уч томонлама шартномалар тузиш амалиётини жорий этиш (таъминотчи, ХУМШ, истеъмолчи).<br>Ёқилғининг муқобил турларидан фойдаланган ҳолда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг локал тизимларига босқичма-босқич ўтиш, эскирган тежамсиз қозон агрегатларини алмаштириш бўйича таклифларни асослаш.<br>Қозонхоналар ва иссиқлик таъминоти тармоқлари ускуналарининг техник ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Иссиқлик таъминоти корхо- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

6—07-64



| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | сувни оқизиш тизимларини модернизация қилиш Дастурини шакллантириш (24-банд). | | | налари тузилмасини такомиллаштириш, сув ва иссиқлик таъминоти корхоналари, маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва жавобгарлигини аниқ белгилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш. |
| 17 | Ширкатларни фермер хўжаликларига айлантириш бўйича дастурлар ижросини танқидий ўрганиш ва қишлоқда мулкчилик муносабатлари ва шаклларини тубдан ислоҳ қилишни давом эттириш, фермер хўжаликларини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишлар киритиш.<br>Қишлоқда ихчам ва қулай, замонавий технология билан жиҳозланган корхоналар барпо қилишни кенгайтириш, кичик бизнес ва | 2007 йил 30 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Қорақалпоғистон Республи- | Ширкат хўжаликларини фермер хўжаликларига айлантиришни якунлаш чоралари.<br>Чорвачилик, ветеринария хизмати бўйича хусусий корхоналар, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий кичик корхоналарни жадал ривожлантириш учун бозор механизмлари ва иқтисодий рағбатларни яратиш.<br>Олинган мажбуриятлар ижроси учун томонларнинг жавобгарлигини кучайтириш мақсадида |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича самарали бозор механизмини яратиш ва шу асосда қишлоқ аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини юксалтиришни таъминлаш. Чорвачиликни ривожлантиришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатдан яхшилаш, наслчилик ишини тубдан яхшилаш, зооветеринария хизмати, озуқа, биринчи навбатда омухта ем билан таъминлашнинг ривожланган тармоғини яратиш. Замонавий технология билан жиҳозланган кичик хусусий корхоналар ташкил этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги хом ашёси, биринчи навбатда, чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини комп- | | каси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | фермер хўжаликлари, хизмат кўрсатувчи ва тайёрловчи тармоқлар ўртасидаги намунавий шартномаларни кўриб чиқиш. 2011 йилгача бўлган даврда ҳудудлар нуқтаи назаридан наслчиликнинг моддий-техника базаси, хусусий зооветеринария пунктларини ривожлантириш, мустаҳкамлаш ва ветеренария хизмати кўрсатиш сифатини ошириш, турли озуқалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва озуқа саноатини ривожлантириш параметрларини белгилаш. Чорвачилик фермер ва деҳқон хўжаликларига йирик қорамол сотиб олиш учун ажратиладиган микрокредитлар ҳажмини кенгайтириш. |



www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | лекс ва чуқур қайта ишлаш, маҳсулот сифатини ошириш ва турларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.<br>Қишлоқни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга ошириш учун зарур молиявий, солиқ рағбатлари ва имтиёзларини яратиш.<br>**Мамлакатнинг барча ҳудудларини қамраб олувчи қишлоқ хўжалигида тузилмавий ўзгаришлар ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 2007—2011 йилларга мўлжалланган комплекс дастурини тайёрлаш** (8-банд). | | | Чорвачилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини тубдан қайта ишлаш бўйича ихчам ва қулай юқори технологик ишлаб чиқаришларни яратиш учун танлов асосида тижорат банкларининг имтиёзли кредитларини тақдим этиш.<br>Деҳқон хўжаликларида ишлаб чиқарилган гўшт-сут ва мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрловчи хусусий корхоналарнинг кенг тармоғини яратиш, бу хўжаликларни кўчатлар ва уруғлар, минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари билан таъминлаш, уларга комплекс хизмат кўрсатиш. |
| 18 | Ҳудудлар ва кўрсатилаётган хизматлар бўйича 2006—2010 йилларга мўлжалланган хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг бажарилишини танқидий таҳлил қилиш. | 2007 йил 30 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Иқтисодиёт вазирлиги, | 2007 йилда мамлакат ялпи ички маҳсулотида хизматлар улушини 42-43 фоизга етказишни таъминловчи хизматлар, соҳалар ҳамда ҳудудлар бўйича хизмат кўрса- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | Хизматлар ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга жалб қилинмаган захираларни, жадал суръатда ривожлантирилиши лозим бўлган янги, замонавий хизмат турлари рўйхатини аниқлаш, бунинг учун барча шарт-шароит ва иқтисодий омилларни яратиш.<br>Мамлакат ҳудудлари бўйича хизматлар соҳасини аҳолининг биринчи навбатда, қишлоқ жойларда бандлик муаммосини ҳал этишнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги "2006—2010 йилларда хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ 325-сон қарорига ўзгартишлар ва қўшимчалар бўйича таклиф киритиш | | Молия вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Марказий банк, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, "Ўзбектуризм" миллий компанияси, Қорақалпоғистон Республика- | тиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг мақсадли параметрларига ўзгартишлар киритиш.<br>Хизмат турлари, соҳалар ва ҳудудлар нуқтаи назаридан статистика ҳисоботи тизими ва кўрсатилаётган хизматлар ҳажмини баҳолашни такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирларни белгилаш.<br>Янги тасдиқланган таснифлаш ва ҳисобга олиш услубига мувофиқ айрим хизмат турларини киритишнинг аниқ принципларини ишлаб чиқиш.<br>Хизматларнинг айрим замонавий ва ижтимоий аҳамиятга молик турлари учун (микромолиялаш хизматлари, ахборот-кутубхона марказлари хизматлари, спорт хизматлари, санаторийлар, болалар соғломлаштириш |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | си Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | оромгоҳлари ва бошқа хизматлар) қўшимча иқтисодий омиллар ва имтиёзларни жорий этишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш. |
| 19 | Аввало, автомобилсозлик, самолётсозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, электр техника, тўқимачилик, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва муайян трансмиллий корпорациялар билан яқин кооперация алоқаларини ўрнатиш ҳамда уларнинг таркибига кириш имкониятига эга бошқа юқори технологияли соҳалар корхоналари рўйхатини тузиш. Трансмиллий компанияларни айрим маҳаллий корхоналарда замонавий менежмент, ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишни ташкил этиш шаклларини жорий этишга жалб қилишга доир таклифлар тайёрлаш (12-банд). | 2007 йил 30 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов, Э.Р.Шоисматов, Н.М.Хонов, А.Н.Арипов), Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, уюшмалар, компаниялар, | Трансмиллий корпорациялар билан кооперация алоқаларини кучайтириш шакллари ва механизмларини ишлаб чиқиш. Кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кучайтириш мумкин бўлган йирик трансмиллий корпорациялар (фаолият йўналишлари ва географик нуқтаи назардан) рўйхатини аниқлаш. Ўзбекистонда мавжуд интеллектуал ресурсларни трансмиллий корпорациялар билан кооперация алоқаларига жалб қилиш механизмини ишлаб чиқиш. Трансмиллий корпорацияларни иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари корхоналарини хусу- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | | | хўжалик бирлашмалари, йирик корхоналар | сийлаштириш жараёнига жалб қилишни, жумладан, замонавий менежментни жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилишга маблағ сарфлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулотларни ташқи бозорларга чиқариш шарти билан уларга назорат пакетларини сотишни кўзда тутиш. |
| 20 | **Банкларга нисбатан ишончни ошириш, банк-молия тизимида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича қуйидагиларни кўзда тутувчи комплекс тадбирларни шакллантириш**:<br>устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва эҳтимолдаги сармоядорларнинг бўш маблағларини жалб қилиш учун банклар акцияларини чиқариш ва уларни фонд бозорларида жойлаштириш ҳисобидан банк- | 2007 йил 12 мартгача | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Давлат мулки қўмитаси | Банкларнинг солиқ тўлашдан кейин қолган даромадининг камида 30 фоизини акционерлар капитали миқдорини ошириш, банклар жами маблағини камида 200 миллиард сўмга оширишга йўналтириш.<br>Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини акционерлик банкига айлантириш ва унинг капиталини 420 миллиард сўмгача кўпайтириш.<br>"Асака" банкининг 51 фоиз ак- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | ларни капиталлаштириш даражасини ошириш; банкларни якка тартибда баҳолаш миллий рейтингини жорий этиш ва кредитларни қайтариш бўйича халқаро рейтингга эга бўлиш чора-тадбирларини кўриш;<br>банкларнинг инвестиция жараёнларида, корхоналарни модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлашда кенг иштирокини таъминлаш;<br>нақд пулнинг банкдан ташқари айланишини янада камайтириш, мижозларни дастлабки талаблари бўйича нақд пул билан узлуксиз таъминлаш;<br>мини-банклар тармоғини ва банклар кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш (22-банд). | | | циясини сотиб, хусусийлаштириш.<br>Тижорат банкларининг эълон қилинган эмиссиясининг камида 25 фоизи миқдоридаги акцияларини ички фонд бозорида очиқ сотиш.<br>Тижорат банкларининг янги молия воситаларини жорий этиш.<br>Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий кредит линиялари бўйича 100 миллион доллар ва банкларнинг 250 миллиард сўмдан ортиқ ўз ресурсларини жалб қилиш.<br>2007 йилда аҳоли омонатлари ҳажмини камида 40 фоизга ошириш.<br>Мини-банклар сонини 2000 ва махсус кассалар сонини 900 тага етказиш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | | | | Пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини янада кенгайтириш (пластик карточкалар сонини 3470 минг дона ва терминалларни 17 мингтага етказиш). |
| 21 | Ижрони таъминлаш механизми ва тизимини амалда бажариш бўйича ишларнинг аҳволи, уни янада такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсияларни танқидий кўриб чиқиш. Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш.<br>Суд ижрочиларини моддий ва маънавий рағбатлантириш бўйича амалдаги тизимни пухта ўрганиш, уларнинг ишлари натижаларига қараб, ушбу тизимни янада тако- | 2007 йил 15 апрелгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов, А.Н.Арипов, Давлат маслаҳатчиси А.Э.Набиев), Адлия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувват- | Ижрони таъминлаш жараёни ва ҳар бир жараённи амалга оширишнинг охирги муддатини қатъий белгилаш.<br>Ижро ҳаракатларини тугатиш (4 ой) ва жарима тўлаш учун ажратилган муддатни 3 ойдан 2 ойга қисқартириш бўйича қатъий муддатларни белгилаш.<br>Шаклланган халқаро амалиётдан келиб чиқиб, ижро ҳужжатларини амалга оширишдан бош тортган қарздорларга ҳуқуқий таъсир ўтказиш чораларини белгилаш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | миллаштиришга доир аниқ таклифлар тайёрлаш.<br>Суд ижрочилари бўлимларининг моддий-техника базасини инвентаризация қилиш ва уни мустаҳкамлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш.<br>Суд қарорларини бажариш департаментининг техник жиҳозланиш, судлар фаолиятини моддий-техника ва молиявий таъминлаш даражасини батафсил ўрганиш, Департаментни ахборотлаштириш модели, ягона ахборот-компьютер тармоғини жорий этишнинг аниқ дастур ва жадвалини ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорини тайёрлаш (14-банд). | | лаш давлат қўмитаси,<br>Иқтисодиёт вазирлиги,<br>Молия вазирлиги,<br>Давлат солиқ қўмитаси | Суд ижрочиларини рағбатлантириш шакллари ва механизмини уларнинг ишлари натижалари, ундираётган маблағлари миқдорига қараб такомиллаштириш.<br>Жавобгар томонидан тўланадиган тўловлар муддатини кечиктирганлик учун янги жорий этилган ижро йиғимлари ва жарималардан тушадиган маблағларни суд ижрочиларини моддий рағбатлантириш ҳамда Департаментнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш манбаи сифатида белгилаш.<br>Департамент ва унинг бўлимлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.<br>Ижрони таъминлаш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| 22 | Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида ишлаб чиқаришнинг техник аҳволи, ускуналарнинг жисмонан ва маънан эскириш даражаси, уни тез янгилаш ва фойдаланиш даражаси бўйича ишлар аҳволини чуқур ўрганиш.<br>Ўтказилган таҳлил асосида ишлаб чиқаришни жадал суръатда модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни таъминлаш бўйича аниқ йўналишларни белгилаш.<br>Ҳар бир етакчи соҳа, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика, кимё ва нефть кимёси, пахта тозалаш, енгил саноат, жумладан, тўқимачилик ва шойи тўқиш, ёғ-мой ва қайта ишлаш саноати, электр энергетикаси, қурилиш материаллари саноати, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, ахборот ва ком- | 2007 йил 1 майгача | Вазирлар Маҳкамаси (Ш.М.Мирзиёев, Р.С.Азимов, Э.Р.Шоисматов, Н.М.Хонов, А.Н.Арипов), Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Марказий банк, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бирлашмалари | Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида ҳар бир етакчи соҳа бўйича эскирган ускунани ишлаб чиқаришдан олиб ташлаш ва демонтаж қилиш, уни сифатли, рақобатбардош, экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган янги, замонавий, илғор ускуналар билан алмаштириш бўйича аниқ параметрларни қайта кўриб чиқиш.<br>Йиллар бўйича харид қилинадиган ускуна турлари ва муайян хорижий етказиб берувчини аниқлаш.<br>Дастурларда аниқ инвестицион лойиҳаларни, уларни амалга ошириш ва молиялаштириш манбаларини қайта кўриб чиқиш лозим. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | муникация технологиялари ва бошқа соҳалар бўйича **ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш юзасидан 2007—2010 йилларга мўлжалланган аниқ дастурлар** ишлаб чиқиш (6-банд). | | | Зарурат туғилганда хўжалик юритувчи субъектлар эътиборини ишлаб чиқаришни мунтазам модернизация қилиш ва янгилаш билан шуғулланиш, корхоналарнинг техник ҳолати даражаси ва сифатини оширишга жалб қиладиган қўшимча иқтисодий омилларни кўзда тутиш.<br>Қимматли ва юқори ликвидли хом ашёни қайта ишлайдиган, сифати паст маҳсулот ишлаб чиқарадиган эски технология ва ускуналар билан жиҳозланган корхоналарни ёпиш бўйича кескин чоралар ва иқтисодий санкциялар қабул қилиш. |
| **III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар** | | | | |
| 23 | "Кўкдумалоқ" конини унинг геологик моделини тузиш орқали | 2007 йил 12 | Вазирлар Маҳкамаси | Нефть, газ ва газ конденсатининг қолдиқ захирасини аниқ- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
|---|---|---|---|---|
| | қазиб олишнинг жорий аҳволини батафсил ўрганиш.<br>Нефть ва газ қазиб олишни барқарорлаштиришга қаратилган ва қуйидагиларни ўз ичига олувчи комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш:<br>газ қудуқларини коннинг нефть қисмигача ковлашни чуқурлаштириш бўйича қудуқларни капитал таъмирлаш;<br>коннинг ишлаш тартибини мувофиқлаштириш;<br>коннинг рапанос ҳудудида қудуқларни ковлаш бўйича илғор тажрибани жорий этиш (13-банд). | мартгача | (Э.Р.Шоисматов, Р.С.Азимов), "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | лаш ва уларни тўлиқ қазиб олиш чораларини белгилаш мақсадида "Кўкдумалоқ" конининг геологик моделини тайёрлаш.<br>"Кўкдумалоқ" конида 2056,0 минг тонна нефть, 341,0 минг тонна газ конденсати қазиб олишнинг прогноз кўрсаткичларини таъминлаш мақсадида суюқ углеводородлар қазиб олишни барқарорлаштириш.<br>50 та қудуқни капитал таъмирлаш эвазига қазиб олиш бўйича белгиланган кўрсаткичларни сақлаш.<br>Фойдаланилаётган қудуқларни горизонтал ковлаш бўйича илғор тажрибани жорий этиш ҳисобидан коннинг (рапонос ҳудудидан) қазиб олиш қийин бўлган қисмидан қўшимча нефть ҳажмини қазиб олиш.<br>"Кўкдумалоқ" конида қазиб олишнинг пасайиб бораётган |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | суръатини барқарорлаштириш бўйича қўшимча тадбирларни ҳисобга олган ҳолда, белгиланган баланс кўрсаткичларини сўзсиз бажаришга оид тармоқ жадвалини ишлаб чиқиш. |
| 24 | Хўжалик юритувчи субъектларни ёпиш ва тугатиш бўйича амалдаги тизимни танқидий ўрганиш, корхоналарни юридик шахс сифатида тугатиш жараёнлари муддатини чўзиш ва мураккаблаштиришга олиб келаётган бюрократик тўсиқларни аниқлаш.<br>Бизнесни ихтиёрий ёпиш ва тугатиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш.<br>Бизнесни ихтиёрий тугатиш бўйича халқаро стандартларга мос келадиган соддалаштирилган тартибни ишлаб чиқиш.<br>Бизнесни ихтиёрий ёпиш ва тугатиш тартиби тўғрисида низом - тайёрлаш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун тақдим этиш (14-банд). | 2007 йил апрель | Вазирлар Маҳкамаси (Р.С.Азимов), Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди, Иқтисодиёт вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси | Тугатиш жараёнининг аниқ муддатлари ва босқичларини ҳамда ушбу жараёнларни амалга оширишга масъул органларни аниқ кўрсатган ҳолда, бизнесни ихтиёрий ёпиш ва тугатиш тартиблари, механизмлари ҳамда муддатларини қатъий белгилаш.<br>Тугатилаётган корхоналарнинг рўйхатга олувчи органлар, давлат солиқ қўмитаси органлари, хизмат кўрсатувчи банклар, бошқа орган ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамжиҳатлиги механизмини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлаш. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмини такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан:

ижтимоий адолат, холислик ва ошкоралик тамойилларига қатъий амал қилиш;

кўрсатилаётган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимандаликка йўл



www.ziyouz.com kurubxonasi

қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулкини ҳар томонлама ҳисобга олиш;

ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиш устидан қатъий назорат амалга оширилишини таъминласин.

2. 2007 йилнинг 1 сентябридан:

давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратиладиган бюджет маблағлари ҳажмини, айни вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини 6 ойгача узайтирган ҳолда, 1,5 бараварга;

«Мурувват» болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, айни вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар болага камайтирган ҳолда ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан;

болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилсин.



www.ziyouz.com kurubxonasi

3. 2007 йилнинг 1 июлидан:

уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорида қўшимча;

жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши;

уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларни уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорида ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, уюшмалар, компаниялар, хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тадбиркорлик тузилмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўшимча моддий ёрдам кўрсатсин.

Белгилаб қўйилсинки, «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинган 2007 йилда хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида қайд этилган мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар даромад солиғидан тўлиқ озод этилади.



www.ziyouz.com kurubxonasi

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги 573-қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида 28 та «Меҳрибонлик» уйи, шунингдек, 86 та санаторий типидаги ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланишдан орқада қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилганлиги эътиборга олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ҳамда «Саховат» интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, уларнинг таъминотини янада яхшилаш бўйича жорий йилда ушбу мақсадларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш ҳақидаги таклифи маъқуллансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.



www.ziyouz.com kurubxonasi

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президенти* *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
2007 йил 19 март



www.ziyouz.com kurubxonasi

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## «ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

2007 йилнинг «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламларини янада кенгайтириш ва кучайтириш, аҳолининг муҳтож тоифалари ва оилаларга, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга аниқ, табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш, аҳоли даромадлари даражасидаги фарқларнинг кескин ошишига йўл қўймаслик, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагиларни кўзда тутувчи «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини оширишга, аҳолининг ижтимоий ночор қатламларига ёрдам кўрсатишда табақалашган тарзда ёндашишга қаратилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги шундай ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш;

«Меҳрибонлик» уйлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, боқувчисидан маҳрум



www.ziyouz.com kurubxonasi

бўлган болалар тўғрисида эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, «Сен ёлғиз эмассан» мақсадли вазифасини ҳаётга аниқ татбиқ этиш;

аҳолининг ночор қатламлари – муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз қарияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш тадбирларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар ролини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплексини амалда жорий этиш;

жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни камол топтириш чора-тадбирларини янада чуқурлаштириш, оналик ва болалик тўғрисида ғамхўрликни кучайтириш, аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш бўйича ишларни такомиллаштириш ва «Соғлом она — соғлом фарзанд» ҳаракатини ҳар томонлама рағбатлантириш, жумладан мактабларнинг юқори синфлари, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлари ёшлари ўртасида тушунтириш ишлари ва факультатив машғулотлар ўтказиш;

ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими, «Меҳрибонлик», «Саховат» ва «Мурувват» уйлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва муносиб баҳолаш механизмини такомиллаштириш, уларнинг меҳнатини, шунингдек умуман ижтимоий соҳа ходимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш даражасини ошириш;

ёш авлоднинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлаш, ёшларнинг касб маҳорати ҳамда маънавий ўсишини моддий ва ахлоқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишни ва спорт билан шуғулланишини ташкил қилиш, ҳаётга қадам қўяётган ёш



www.ziyouz.com kurubxonasi

оилаларни қўллаб-қувватлаш борасидаги чора-тадбирлар комплексини тайёрлаш ва амалга ошириш;

фахрийлар ва пенсионерларга ёрдам кўрсатиш даражасини янада ошириш, уларнинг давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланишини таъминлаш, муҳтожларга беғараз ёрдам бериш.

2. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг бажарилишини ташкил этиш ва унинг мониторингини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 декабрдаги Ф —2632-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига юклансин.

3. Республика комиссияси ва «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Кенгаш (Ш.М.Мирзиёев):

икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир идора, аҳоли пункти, туман, шаҳар ва минтақа бўйича «Ижтимоий ҳимоя йили» ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласинлар;

республика ва ҳудудий давлат бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастурнинг бўлимлари ва бандлари тўлиқ ҳамда сўзсиз бажарилиши бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил этсинлар, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсинлар;

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури билан тасдиқланган топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Рес-



www.ziyouz.com kurubxonasi

публикаси Президенти девонига ахборот тақдим этиб турсинлар.

4. Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятларда, Тошкент шаҳрида ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссияларни ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, улар зиммасига Дастур тадбирларининг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши устидан ҳар ойлик мониторинг ва қатъий назорат олиб бориш вазифаси юклансин.

5. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари жамиятда эзгулик ва меҳрибонлик муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда «Ижтимоий ҳимоя йили»нинг мақсадлари ва аҳамиятини кенг кўламда тушунтириш, тадбирларнинг амалга оширилишини, шу жумладан давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органлари, ижтимоий ва нодавлат хайрия ташкилотлари, ижтимоий таъминот муассасалари, шунингдек айрим фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоалари қўшаётган аниқ ҳиссани мунтазам ёритиб боришни таъминласинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Президенти* — *И. КАРИМОВ*

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 январь



www.ziyouz.com kurubxonasi

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*2007 йил 23 январдаги ПҚ—573 -сон қарорига*
*1-ИЛОВА*

## «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат ДАСТУРИ

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Бажариш учун масъуллар | Харажат-лар (млн. сўм) | Молия-лаштириш манба-лари | Амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижа |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| **I.** | **Амалдаги ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган янги қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда амалдагиларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, аҳолининг ночор қатламига ёрдам кўрсатишда дифференциялланган ёндашувни амалга ошириш** | | | | | |
| **I.1. А. Янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш** | | | | | | |
| **1.** | **а) Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва киритиш:** | | | | | |
| 1.1. | "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тўғри-сида". | 2007 йил II ярим йиллиги | Меҳнат ва аҳоли-ни ижтимоий му-ҳофаза қилиш | | | Қонунда қуйидаги-ларни назарда тутиш мўлжалланади: аҳоли- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Нодавлат нотижорат ташкилотлар | | | нинг ижтимоий ночор тоифасига ёрдам кўрсатишда дифференцияланган аниқ манзилга йўналтирилган ёндашув; ҳар бир фуқарони ижтимоий ҳимоя қилиш кафолатлари; ижтимоий ҳимоянинг асосий шакллари ва методлари; аҳолининг кам таъминланганлигини баҳолаш мезонлари; хусусий тадбиркорлар ва жамоат ташкилотларининг аҳолининг ночор тоифасига ёрдам кўрсатишдаги иштироки. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.2. | "Болалар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида". | 2007 йил II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, "Сен ёлғиз эмассан" жамғармаси | | | Қонунда болаларнинг, шу жумладан етим болаларнинг ва ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқларини кафолатловчи мажбурий нормативлар назарда тутилади. |
| 1.3. | "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касбий касалликлардан давлат томонидан ижтимоий суғурталаш тўғрисида". | 2007 йил III чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, | | | Қонунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларда ёки касбий касалликларда ходимларга кафолатлар, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муно- |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши | | | сабатлар тартиби назарда тутилади. |
| 1.4. | "Тиббий суғурталаш тўғрисида". | 2007 йил IV чорак | Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Врачлар уюшмаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши билан биргаликда, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Қонунда ихтиёрий ва мажбурий тиббий суғурталаш принципларини белгиловчи нормаларни, тиббий суғурта ташкилотини танлаш, барча турдаги тиббий ёрдамдан фойдалана олиш, суғурта ташкилотлари ва тиббий муассасаларнинг ўз мажбуриятларини бажариш механизми ва кафолатларини назарда тутиш мўлжалланади. |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **2.** | **б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилган қуйидаги қонунларни қабул қилиш:** | | | | | |
| 2.1. | "Ҳомийлик тўғрисида". | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Адлия вазирлиги, "Меҳр нури" жамғармаси, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси | | | Олий Мажлис Қонунчилик палатасида иккинчи ўқишда муҳокама қилиш ва қабул қилиш, Сенат томонидан ҳомийлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни қонунчилик даражасида мувофиқлаштирувчи қонун лойиҳасини муҳокама этиш ва қабул қилиш. |
| 2.2. | "Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида" | 2007 йил I чорак | Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Меҳр нури" жамғармаси | | | Қонуннинг Сенат томонидан қабул қилинишини аҳолида, айниқса 2—4 даражали камқонлик ҳамда эндокрин касалликлари билан оғриган болалар ва ҳомиладор аёлларда йод танқислигининг |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | салбий оқибатларини камайтиришни таъминлайди. |
| **3.** | **в) Ўзбекистон Республикаси Президентининг қуйидаги Фармонлари, қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш:** | | | | | |
| 3.1. | "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни яхшилаш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида". | 2007 йил февраль | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | Ҳужжатнинг қабул қилиниши меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган. |
| 3.2. | "Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар фаолияти тўғрисида". | 2007 йил II чорак | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш | | | Қарорнинг қабул қилиниши мазкур ихтисослаштирилган коллежларнинг ҳуқуқий |

www.ziyouz.com kurubxonasi

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, "Ҳаёт" нодавлат нотижорат ташкилоти | | | мақомини ва уларнинг ўқувчиларини моддий таъминлаш нормаларини белгилаш имконини беради. |
